Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг моҳияти ва хусусиятлари. Агросаноат мажмуасини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари. Кредит кооперациялари (иттифоқлари). Кредит муддатлари. Қисқа муддатли кредитлар. Узоқ муддатли кредитлари. Ипотека кредити. Товар кредити. Истеъмол кредити. Ишонч шартномалари. Ижара муносабатлари. Ишларни бажаришга буюртмалар. Ссуда фоизи.

Молиявий лизинг. Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг бошқа манбалари ва улардан самарали фойдаланиш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳамда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури амал қилиш муносабати билан АСМ молия-кредит тизимини кучайтириш йўллари.

18-мавзу: “Европа Ҳамжамиятининг ягона аграр сиёсати

Европа Ҳамжамияти давлатларининг ягона аграр сиёсат (ЕХЯАС) юргизишининг зарурати. Уни вужудга келишининг қисқача тарихи. Европа ҳамжамияти давлатларининг ягона аграр сиёсат юритишининг аҳамияти. Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар даромадларини етарли бўлишини қўллаб-қувватлаш механизми. Мақсадли нархлар. Интервенцион нархлар. Остона нархлари. Ўзгарувчан импорт тарифи ва экспорт субсидияси. Экспортни рағбатлантириш механизми. ЕХЯАСнинг «яшил пуллари». ЕХЯАСнинг бошқа дастурлари. ЕХЯАСнинг умумий ташкилотлари (бошқариш, тартибга олиш органлари). Европа парламенти. Европа Кенгаши. Европа Комиссияси. Аудиторлар палатаси. Адлия палатаси. ЕХЯАСдаги ислохотлар. Маршал, Мансхольт ва Мак-Шерри режалари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳамда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури амал қилиш шароитида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини халқаро алоқаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

19-мавзу: “Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги

Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари. Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркиби ва уларни етиштириш миқдори. Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ташкил этиш шакллари. Америка Қўшма Штатларида қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва тармоқни қўллаб-қувватлаш тартиблари. Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалигининг ташқи иқтисодий алоқалари ва уларни ривожланиши. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар.

20-мавзу: “Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қишлоқ хўжалиги

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркиби ва уларни етиштириш миқдори. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ташкил этишнинг асосий шакллари. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва тармоқни қўллаб-қувватлаш тартиблари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар.

3.

**«АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ИҚТИСОДИЁТИ» ФАНИ
БЎЙИЧА МАЪРУЗА, СЕМИНАР ВА АМАЛИЙ
МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида чуқур сифат ўзгаришлар юз бермоқда. Мамлакат иқтисодиёти марказлаштирилган режалаштириш тизимидан бозор муносабатларига ўтмоқда. Бу ён иқтисодий фанлар олдига жуда ката муракаб вазифаларни қўйди. Бозор муносабатларининг шаклланиши юзага келаётган жуда кўплаб иқтисодий муаммоларнинг илмий асосланган ечимини топишни, мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантириш истиқболларини белгилаб беришни талаб қилади. Арасту ўз вақтида айтганидек, ҳар доим ва ҳар жойда эзгуликка эришиш икки шартнинг бажарилишига:

1. Ҳар қандай фаолият якунидаги мақсадни тўғри белгилашга;

2. Пировард мақсадга эришиш чора-тадбирларини излаб топишга боғлиқдир².

Илмий тилда буни фаолиятнинг методологик асосини аниқлаш ва мақсадга етишиш, усул ва услубларини тўғри белгилаш дейилади³.

«Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак»⁴, деган эди Ислоҳ Каримов.

Республика Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади»⁵.

Президентимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида жамиятимиз тараққиётининг яқин келажагидаги мақсад ва вазифаларини кўрсатди. У ўз нутқида жамият ривожининг етти устивор йўналишини бирма-бир тавсиялаб, уларнинг истиқболга қаратилган мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Долзарб масалалар ичида устувор йўналишлар қаторига сиёсат, давлат қурилиши ва иқтисодиёт соҳаларидан кейин таълим-тарбияни қўйди ва унинг мақсади ҳамда унга етишиши чора-тадбирларини белгилаб берди. Таълим соҳасидаги биринчи масала қилиб «...миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг, маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир»⁶ - деб таъкидлади. Президентимизнинг Ушбу кўрсатмалари ижтимоий соҳада фаолият кўрсатаётганларга, шу жумладан таълим-тарбия билан шуғулланувчиларга ҳам, умумий методологик асос вазифасини ўтайди.

Маъсулиятли ва мураккаб бу вазифа, давлатнинг бошқа тадбирлари қаторида, Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш

² Аристотель. Политика. -М.: 1911. С.330.

³ Бўри Эшмухаммедов. Илм ҳикмати. –Т.: Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1999, 12-бет.

⁴ Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. –Т., «Ўзбекистон», 1999. 4-бет.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т., «Ўзбекистон», 1992. 78-бет.

⁶ Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз». –Т., «Ўзбекистон», 2000.

миллий дастурини рўёбга чиқариш оркали бажарилади. Бу дастурнинг таркибий қисми сифатида таълимнинг янги модели яратилди.

Президент томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашга қаратилгандир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб, уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узок давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ходисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миёсидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар қобилияти билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қилади, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қилади. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида кизикарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўллан-малардан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фани бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларни келтирамиз:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланиш-ларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантикийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифат-ларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойихалар усуллари, амалий ишлаш усули.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тесқари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тесқари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралик ва жорий ва яқунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта қўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида, бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

**МАЪРУЗА, СЕМИНАР ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

1-МАВЗУ	"АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ИҚТИСОДИЁТИ" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ
----------------	--

1.1. Маърузада таълим технологияси

<i>Ўқув соати:</i> 2 соат	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Кириш маърузаси
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1-маъруза</p> <p>1."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг предмети.</p> <p>2."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг предметини ўрганиш усуллари.</p> <p>3."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг мутахассислар фаолиятидаги аҳамияти.</p> <p>4."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг қисқача ривожланиш тарихи.</p> <p>5."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг вазифалари.</p> <p>6."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг ўзга фанлар билан боғлиқлиги.</p> <p>7."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлар.</p>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	Фанининг шаклланиши, АСМ иқтисодиёти фанининг мазмуни, моҳияти, ривожланиш тарихи, бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва унинг ташкилий-логик таркиби ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш.
<i>Педагогик вазифалар:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Талабаларни республика агросаноат мажмуасининг шаклланиши, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти билан ташиштириш. • АСМнинг ривожланиш тарихини кўрсатиш. • АСМ иқтисодиёти фанининг ташкилий-логик таркиби билан таништириш. • АСМ иқтисодиёти фанининг бошқа фанлар орасида ва мутахассиснинг амалий фаолиятидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш. 	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Агросаноат мажмуасининг иқтисодиётда тутган ўрнининг кўрсаткичларни санаб ва салмоғини кўрсатиб беради. • Агросаноат мажмуасининг ривожланиш даврларини санаб беради. • Фанни предметини ўрганишнинг кетма-кетлиги бўйича тасаввурга эга бўлади. • Мутахассислик фаолиятида ушбу фандан олган билимларининг зарурий аҳамиятини билиб олишади.
<i>Таълим методлари</i>	Маъруза, блиц-сўров, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.

Таълим воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
Ўқитиш шакллари	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

«Агросаноат мажмуаси иқтисодийёти» фанининг предмети, вазифалари ва усуллари мавзуси маърузасининг технологик харитаси (1-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Мотивлаштириш ва билимларни актуаллаштириш босқичи (40 мин.).	<p>Фаннинг номини эълон қилади ҳамда фан тўғрисида умумий маълумотлар беради. Фани ўрганишда зарур бўлган асосий адабиётлар рўйхатини (1-илова) талабаларга еткази.</p> <p>Дарснинг максadini аниқлайди ва талабаларга еткази.</p> <p>Дарсда эришиладиган натижаларни белгилайди. Буларга:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ушбу фанни ўрганиш зарурати, унинг аҳамияти ва бошқа фанлар ўртасида тутган ўрни кўрсатилади; • Мутахассиснинг фаолиятида ушбу фаннинг ўрни кўрсатилади; • Блиц-сўров ўткази ва талабаларнинг ушбу фан тўғрисидаги тушунча даражаси аниқланади (2-илова); • Фаннинг намунавий дастурини ёки ўқув кўлланмасининг зарур бетини очиб мавзуларнинг тақсимланишини кўришни сўрайди; • Асосий тушунча ва ибораларни талабаларга ёздирди (3-илова) 	<p>Талабалар ёзиб олишади.</p> <p>Адабиётлар рўйхатини ёзиб олади.</p> <p>Алоқаси бўлган фанларни санаб ўтади</p> <p>Саволларга қисқа жавоб беришади.</p> <p>Намунавий дастурни ёки ўқув кўлланмасининг керакли бетини очиб кўради.</p> <p>Асосий тушунча ва ибораларни ёзиб олади ҳамда уларнинг моҳиятини айтиб беради.</p>
II. Информацион босқич (билимларни актуаллаштириш ва ўзлаштириш) (30 мин.)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фаннинг предметини ёритади. 2. Фаннинг бошқа фанлар орасида тутган ўрни ёритади. (4 –илова). 3. Фанни шаклланиш ва ривожланиш даврлари тўғрисида қисқача тўхтади. 	<p>Талабалар қисқача конспект қилиб боради ва фаннинг предметининг моҳиятини айтиб беради.</p> <p>Талабалар қисқача конспект қилиб боради</p> <p>Фани ривожланиш даврларини санаб беради ва хар даврнинг</p>

		моҳиятини айтади.
III. Биринчи дарсни яқунловчи босқич. (10 мин.)	1. Ўтилган масалаларни, ўрганилган саволларни умумлаштиради. Биринчи дарсда ўрганилган масалалар юзасидан қисқача хулосалар қилинади, уй вазифаси (ЗХУ техникаси бўйича ишлаш (5-илова) бажариш берилади ва дарс тугайди.	Талабалар керакли маълумотларни ёзиб олади ва айтиб беради. Хулосаларни ёзиб олишади.

«Агросаноат мажмуаси иқтисодийети» фанининг предмети, вазифалари ва усуллари мавзуси маърузасининг технологик харитаси (2-машгулот)

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Мотивлаштириш босқич (10 мин.)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Дарснинг мақсади айтилади. 2. Дарсда ўтиладиган саволлар эълон қилинади 3. Адабиётлар рўйхатини беради 4. Биринчи дарсда ўтилган масалаларни талабаларга қисқача эслатади. 	<p>Талабалар ёзиб олади ва айтиб беради Ёзиб олади.</p> <p>Ёзиб олади.</p>
II. Инфомацион босқич (билимларни актуаллаштириш ва ўзлаштириш) (50 мин.)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Фаннинг таркиби тўғрисида қисқача маълумот беради. 2. Фаннинг таркибий-логик схемасини талабаларга беради (6-илова). 3. Ушбу фанни ривожига катта хисса қўшган олимлар ва уларнинг айримларининг қарашлари тўғрисида қисқа маълумот беради. 4. Фанни ривожланиш истиқболлари тўғрисида фикр билдиради. 5. Фаннинг предметини илмий асослайди, бир тартибга келтиради (таъриф беради) ва талабаларга етказди (7-илова). 6. Фаннинг услубларини санайди ва ҳар бирига таъриф беради (8-илова). 7. Фаннинг вазифаларини моҳиятини ёритади (9-илова). 	<p>Талабалар қисқача конспект қилиб боради. Фаннинг таркибий-логик схемаси билан танишади ва уни ёзиб олади. Ёзиб олади.</p> <p>Фаннинг предметини тушунчасини (таърифини) ёзиб олади ва айтиб беради.</p> <p>Фаннинг услублари тушунчаларини ёзиб олади ва ҳар бирининг моҳиятини айтиб беради. Фаннинг вазифаларини ёзиб олади ва уларни санайди.</p>
III. Яқунловчи босқич. (20 мин.)	1. Ўтилган масалаларни умумлаштиради.	

мин.)	<p>2. Ҳар бир масала юзасидан тегишли хулосалар чиқаради ва уларни талабаларга айтиб туради.</p> <p>3. Фанни ўрганиш жараёнида талабаларга қўйиладиган талаблар билан таништирилади.</p> <p>4. Фан бўйича саволлар тўпламини талабаларга етказди (10-илова).</p> <p>Рейтинг тартиби (жорий, оралик ва якуний), вақти ва баллари тўғрисида маълумотлар беради (11-илова).</p>	<p>Талабалар керакли маълумотлар ва хулосаларни ёзиб олади. Ёзиб олишади.</p> <p>Талабаларга уйда ёзиб олишга қабул қилишади. Талабалар ёзиб олишади.</p>
-------	--	---

1-илова (1.1.)

Мавзунини ўрганиш учун адабиётлар рўйхати

Хакимов Р. Ва бошқалар. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2004.-160 б.

Минаков. И.А и др. Экономика отраслей АПК.-М.: КососС, 2004-364с.

“Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада экинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 15 июн 2005 йил.

“Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 16 июн 2005 йил.

“Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 15 июн 2005 йил.

“Микрофирмалар ва кичик корхоналани ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 20 июн 2005 йил.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келаак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999-486б.

Экономика отаслей АПК/ ИА.Минаков, Н.И, Куликов, О.В. Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова.-М.: КолосС, 2004.-464 с.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келаак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999-486б.

Экономика отаслей АПК/ ИА.Минаков, Н.И, Куликов, О.В. Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова.-М.: КолосС, 2004.-464 с.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фаннинг предмети, усуллари ва вазифалар мавзусидан талабалар орасида ўтказиладиган блиц-сўров саволлари

Интеграция деганда нимани тушунасиз?

Агросаноат интеграцияси деганда нимани тушунасиз?

Агросаноат мажмуаси, умуман иқтисодиётда мавжуд мажмуалар тўғрисида намалар биласиз?

Фаннинг предмети деганда қандай тушунчаларга эга бўласиз?

Фаннинг усуллари деганда нималарни биласиз?

Иқтисодиётни ривожлантиришда агросаноат мажмуасининг ўрни тўғрисида қандай фикрдасиз?

Мутахассис сифатида сизнинг амалий фаолиятингизда ушбу фандан олган билимларни аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва унинг таркиби қандай?


Ўзбекистон Республикаси нима учун аграр-индустриал давлат ҳисобланади?

Аграр сиёсат нимани аниқлатади?

Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Интеграция, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, агросаноат мажмуасининг кичик бўлинмалари, услубият ва усуллар, иқтисодий таҳлил, монографик изланишлар, статистик ва математик таҳлил, индукция, дедукция, предмет, инфратузилма, агромаркетинг, контактация шартномалари, фьючерс бозорлари, иқтисодий дастаклар.

«Агроиқтисодиёт мажмуаси ктисодиёти» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси



5 –илова

3 X У техникасини қўллаб ишлаш қоидалари


1. Матнни Инсерт техникасидан фойдаланиб ўқинг.



2. Олинган маълумотларни индивидуал равишда тизимлаштиринг – матнда килинган белгилар асосида жадвалга жойлаштиринг.

3 X У Жадвали (Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим.)

№	Мавзу саволи	биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1				
2				
3				

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанининг логик-схемаси



Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанининг предмети**Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанининг услублари**

Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанининг асосий вазифалари

Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти фанининг асосий вазифалари

Мутахассисларни бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат мажмуаси тармоқлари иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати, мавжуд иқтисодий муаммолари ва уларнинг мўътадил ечимларини топиш учун зарур билимлар мажмуаси билан қуроллантириш;

Агросаноат мажмуасида вужудга келадиган муаммоларни тўғри ечиш учун қабул қилинадиган қарорлар қабул қилишга зарур маълумотлар, билимлар билан мутахассисларни таъминлаш;

Мамлакатнинг аграр сиёсатини ўзида мужассамлаштириш ва уларнинг моҳияти билан мутахассисларни қуроллантириш;

Мутахассисларда илмий изланишлар олиб бориш учун зарур билимлар ва кўникмаларни ҳосил қилиш;

Мутахассисларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ижобий инсоний хислатларга эга, кучли шахсларни тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшиш.

“Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фани бўйича талабаларни рейтинг назоратга тайёрланишлари учун намунавий саволлари рўйхати

1. "Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг предмети ва вазифалари.
2. "Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг предметини ўрганиш усуллари.
3. Агросаноат мажмуасининг асосий мақсадли муаммолари.
4. Иқтисодий фанлар тизимида "Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг ўрни.
5. Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва таркиби.
6. Агросаноат интеграцияси.
7. Агросаноат мажмуасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва роли.
8. Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар унинг биринчи соҳасидир.
9. Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасининг таркиби, муаммолари ва уларни ечиш йўналишлари.
10. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳа - агросаноат мажмуасининг учинчи соҳасидир.
11. Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳаси тармоқларининг ҳозирги ҳолати.
12. Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳаси тармоқларини ривожлантириш йўналишлари.
13. Агросаноат мажмуасини ишлаб чиқариш инфратузилмасининг моҳияти ва аҳамияти.
14. Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркиби.
15. Агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари.
16. Агросаноат мажмуасини ижтимоий инфратузилмасининг моҳияти ва аҳамияти.
17. Агросаноат мажмуасини ижтимоий инфратузилмасининг таркиби.

18. Агросаноат мажмуасининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари.
19. Қишлоқ хўжалиги - агросаноат мажмуасининг иккинчи соҳасидир.
20. қишлоқ хўжалигининг тармоқ сифатида ўзига хос хусусиятлари.
21. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни, аҳамияти ва роли.
22. Мамлакат қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари.
23. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш.
24. Ер қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида.
25. Ўзбекистон Республикаси ер фонди ва унинг таркиби.
26. Ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар.
27. Ердан фойдаланиш яхшилаш йўналишлари.
28. Асосий фондлар ва қишлоқ хўжалигида улардан фойдаланиш.
29. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар.
30. Асосий фондларнинг эскириши.
31. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.
32. Қишлоқ хўжалигининг айланма маблағлари.
33. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар.
34. Қишлоқ хўжалигида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.
35. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг моҳияти.
36. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишлари.
37. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг кўрсаткичлари.
38. Фан техника тараққиёти ва илмий техника революцияси.
39. Қишлоқ хўжалигида илмий техника тараққиётининг асосий йўналишлари.
40. Қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш ва жойлаштириш.
41. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги.
42. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлини аниқловчи кўрсаткичлар.
43. Қишлоқ хўжалигининг меҳнат ресурслари.
44. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги.
45. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш усуллари.
46. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.
47. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.
48. Европа ҳамжамияти давлатларининг ягона аграр сиёсати.
49. Европа ҳамжамияти давлатларида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш механизми.
50. Агрораркетинг моҳияти ва самарадорлиги.

Курс бўйича талабаларни ўзлаштириш, баҳолаш мезонлари

Назорат шакллари		Жами баллар
1. Жорий баҳолаш: а) Тингловчининг маъруза ва амалий машғулотдаги активлиги; б) Уй вазифасини бажариш; в) Берилган топшириқларни бажариши (реферат, таблицалар, слайдлар тайёрлаш ва х.к.)		45 балл
2. Оралиқ баҳолаш (назорат иши ва тестлар ўтказиш)		40 балл
3. Якуний баҳолаш (ёзма иш, тест ва бошқа турдаги назоратларни ўтказиш)		15 балл
Жами:		100 балл
Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳо	
85,01 – 100	Аъло	
70,01 – 85	Яхши	
55,01 – 70	Ўрта	
55 гача	Қониқарсиз	

1.2. СЕМИНАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 4 соат	Талабалар сони:
Ўқув машгулотининг шакли	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.
Мавзу режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг предмети. 2."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг предмети ўрганиш усуллари. 3."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг вазифалари. 4."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг ўзга фанлар билан боғлиқлиги. 5."Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти" фанининг қисқача ривожланиш тарихи. 6.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистоннинг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва 2006 йилдаги иқтисодий ислохотларни энг муҳим устувор йўналишларига доир маърузасининг фанни ўқитишдаги роли ва аҳамияти
Ўқув машгулотининг мақсади:	Фаннинг шаклланиши, АСМ иқтисодиёти фанининг мазмуни, моҳияти, ривожланиш тарихи, бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва унинг ташкилий-логик таркиби ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш.
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Талабаларни республика агросаноат мажмуасининг шаклланиши, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти билан ташиштириш. • АСМнинг ривожланиш тарихини кўрсатиш. • АСМ иқтисодиёти фанининг ташкилий-логик таркиби билан таништириш. • АСМ иқтисодиёти фанининг бошқа фанлар орасида ва мутахиссиснинг амалий фаолиятидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш. 	<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Талабаларни республика агросаноат мажмуасининг шаклланиши, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти билан ташиштириш. • АСМнинг ривожланиш тарихини кўрсатиш. • АСМ иқтисодиёти фанининг ташкилий-логик таркиби билан таништириш. • АСМ иқтисодиёти фанининг бошқа фанлар орасида ва мутахиссиснинг амалий фаолиятидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш.
Таълим методлари	Амалий, суҳбат, тезкор-сўров
Таълим воситалари	Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, компьютер технологиялари, ўқув материаллари
Таълим шакллари	Жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг

«Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти» фанининг предмети, вазифалари ва усуллари мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Кириш босқичи (15дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади ва режалаштирилган ўқув натижаларини эслатади. 1.2. Гуруҳлар ишини баҳолаш мезонларини эълон қилади (1-илова). 1.4. Талабаларга мавзу бўйича қўшимча материаллар таркатади.	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1.Талабаларни фаоллаштириш мақсадида тезкор-сўров техникасини қўллаб машғулот режаси бўйича саволлар беради: <ul style="list-style-type: none"> • Бугунги кунда АСМ ни ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? • “АСМ иқтисодиёти” фани қандай фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади? • “АСМ иқтисодиёти” фани предмети нима? • “АСМ иқтисодиёти” фани ўз предметини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланади? • “АСМ иқтисодиёти” фанининг вазифалари ўз ичига нималарни олади? Жавобларни диққат билан эшитади, тўлдирди, камчиликларини тўғрилайди. 2.2.Талабаларни ихтиёрий равишда 3 та гуруҳга бўлади. Хар бир гуруҳга топширик беради (2-илова). 2.3.Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади. Топширикни бажаришда фақат қўшимча материалдан фойдаланиш кераклигини айтади Гуруҳларни кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Жавобларни умумлаштиради, хатоларини тузатади, хатосиз бажарилган ишларни рағбатлантиради.	Берилган саволларга жавоб берадилар. Ихтиёрий 3 та гуруҳга бўлинадилар. Берилган қўшимча материаллар асо-сида ишлайдилар. Савол бўйича фикр алмашадилар, мулоҳаза қиладилар ва тайёр маълумотни формат қоғозига схемалар, жадваллар асосида туширади. Тайёр материални доскага иладилар. Гуруҳдан бир иштирокчи бажарган вазифаларини тақдим этади.
III. Ўйинни олиб боришга тайёргарлик	3.1. Мавзунинг режадаги биринчи саволини умумлаштиради, хулосалар қилади. 3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайди ва	Эшитадилар.

(10 минут)	<p>баҳоларни эълон қилади.</p> <p>3.3. Мустақил вазифа учун топширик беради: (1) Кейинги семинар мавзуси саволларига кўшимча материаллар асосида тайёрланиб келиш; (2) Мавзу юзасидан ҳар бир талаба жаҳондаги энг сўнгги янгиликлардан фойдаланган ҳолда маълумот учун маъруза тайёрлаб келиш.</p> <p>3.4. Назорат учун саволлар бериледи (Ўқитувчи ва варианты) (3-илова).</p>	<p>Вазифани ёзиб оладилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
------------	--	---

1-илова (1.2)

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Гуруҳ	Баҳо	Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари			
		Маълумотнинг тўлалиги	Гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги	Маълумотнинг тақдим этилиши	Жами
	Балл	1,0	0,5	0,5	2
1					
2					
3					

Гуруҳ ишларини умумлаштирувчи баҳо

Гуруҳ	1	2	3	Жами балл	Баҳо
1					
2					
3					

1,5 – 2 балл - «аъло»
 1,0 – 1,4 балл - «яхши»
 0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»
 0 - 0,4 балл - «қониқарсиз»

2-илова (1.2)

Эксперт варағи №1

“Агосаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети, бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва ўрни.

1. Фаннинг предмети.
2. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
3. Фанларнинг ижтимоий-иқтисодий тизимида ушбу фаннинг ўрни.

Эксперт варағи №2

“Агосаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг предмети ўрганиш усуллари

1. Ушбу фаннинг фан сифатида ўрганила бошланиши.
2. Фаннинг предмети ўрганишда мавжуд усуллар.
3. Фаннинг бугунги кунда тутган ўрни ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

Эксперт варағи №3

“Агосаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанининг вазифалари

1. Фаннинг иқтисодий ва ижтимоий вазифалари.
2. Фан олдида турган мавжуд вазифаларни амалга ошириш йўллари.
3. Фан олдида турган янги вазифалар.

3-илова (1.2.)

Назорат ва ўз-ўзини текшириш учун саволлар (Ўқитувчи варианты):

1. “АСМ иқтисодиёти” фани нимани ўрганади?
2. Республикамизда кишлоқ хўжалигини иқтисодиётини қандай йўллар билан ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайсиз?
3. Бугунги кунда республикамизда қайси тармоқларни ривожлантириш яхши самара бериши мумкин
4. “АСМ иқтисодиёти” фанининг предметини ўрганиш усулларини айтинг.
5. “АСМ иқтисодиёти” фанини ривожланиб бораётган фанлар қаторига киритиш мумкинми? Нима учун?
6. “АСМ иқтисодиёти” фанининг олдида турган вазифаларга яна қандай масаларни вазифа сифатида киритиш мумкин? Жавобингизни изоҳланг.

1.

2–мавзу	АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИ
---------	--

2.1. МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот-мавзуй маъруза (1-машғулот) Кўргазмали (кўргазмали) маъруза (2-машғулот)
Мавзу режаси	1-машғулот 1.Агросаноат интеграцияси. 2.Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти. 3.Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси). 4.Агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни. 5.Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг ҳозирги ҳолати. 6.Республика ва ҳудудий агросаноат мажмуаларини ривожлантириш йўналишлари.
Машғулотнинг мақсади: Талабаларга республика агросаноат мажмуаси ва унинг соҳаларининг таркиби тўғрисида аниқ билимлар бериш, ҳамда агросаноат мажмуаси таркибининг ўзгаришиб бориши тўғрисида маълумотлар бериш..	
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"> • Талабаларга агросаноат интеграцияси тўғрисида тушунча беради. • АСМнинг таркиб топиш конунлари билан таништиради. • АСМ таркиби билан таништиради. • АСМсининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни тўғрисида маълумотлар беради. • АСМ олдида турган мақсадли вазифалар билан таништиради. 	Ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"> • Агросаноат интеграцияси тушунчасига таъриф беради ва унинг моҳиятини айтади. • АСМни шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни санайди. • АСМ таркибини, унинг 4 та соҳасини номини айтиб беради. • АСМнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни тўғрисидаги кўрсаткичлар ва ҳақиқий маълумотларни айтади. • АСМ нинг олдида турган 6 та мақсадли вазифаларни санайди.
Таълим методлари	Маъруза, савол-жавоб, сухбат, ўзаро ўқитиш методи, кластер, инсерт техникалари
Таълим воситалари	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, чизмали органайзерлар, асосий маълумот ва таянч дунюналардан иборат маъруза матнлари
Таълим шакли	
Ўқитиш шакли	

Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.
-----------------------	--

«Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва таркиби» мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси (1-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Биринчи дарс. (2 соат) Мотивлаштириш ва актуаллаштириш босқичи (20 мин.)	<p>Мавзунинг номини ва режасини ҳамда адабиётлар рўйхатини талабаларга етказди.</p> <p>Дарснинг мақсадини аниқлайди ва талабаларга етказди.</p> <p>Дарсда эришиладиган натижаларни белгилайди. Буларга:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ушбу мавзунинг ўрганиш зарурати, унинг аҳамияти ва бошқа мавзулар билан боғлиқлиги кўрсатилади; • Мутахассиснинг фаолиятида ушбу мавзунинг амалий аҳамияти кўрсатилади; • Блиц-сўров (1-илова) ўтказди ва талабаларнинг ушбу мавзу тўғрисидаги тушунча даражаси аниқланади; • Мавзунинг ўрганиш учун асосий адабиётлар рўйхатини беради (2-илова); • Асосий тушунча ва ибораларни талабаларга ёздиради. 	<p>Талабалар ёзиб олишади.</p> <p>Мавзунинг аҳамиятини ва унинг бошқа мавзулар билан боғлиқлигини айтиб беради. Саволларга жавоб беришда фаол иштирок этади</p> <p>Адабиётлар рўйхатини ёзиб олади.</p> <p>Асосий тушунча ва ибораларни ёзиб олади.</p>
II. Инфомацион босқич (билимларни актуаллаштириш ва ўзлаштириш) (50 мин.)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Агросаноат интеграцияси тўғрисида қисқача маълумот беради. 2. Агросаноат мажмуасининг ривожланиш даврлари тўғрисида маълумот беради. 3. “Агросаноат мажмуаси” тушунчасига таъриф беради. 4. Агросаноат мажмуасининг моҳияти очиқ берилади. Олимларнинг ушбу масалага оид турли фикрлари билан талабалар таништирилади. 5. Агросаноат мажмуасининг шаклланиш қонуниятлари ёритилади. 6. Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузулмаси) берилади (3-илова). 	<p>Агросаноат интеграциясининг таърифини айтиб беради.</p> <p>АСМнинг ривожланиш даврларини ёзиб олишади.</p> <p>АСМ таърифининг моҳиятини айтиб беради.</p> <p>Ўз фикрларини мустақил билдиради.</p> <p>АСМ таркибига оид иловани кўчириб олишади ва уни мустақил айтиб беради.</p>

<p>III. Биринчи дарсни яқунловчи босқич. (10 мин.)</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўтилган масалаларни умумлаштиради. 2. Ҳар бир масала юзасидан тегишли хулосалар чиқаради ва уларни талабаларга айтиб туради. 	<p>Талабалар керакли маълумотларни ёзиб олади. Хулосаларни ёзиб олишади ва улар бўйича ўз тушунчаларини айтиб беради.</p>
--	--	---

«Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва таркиби» мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси (2-машғулот)

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талабалар</i>
<p>I. Иккинчи дарс. (2 соат). Мотивлаштириш босқич (10 мин.)</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Иккинчи дарснинг режаси талабаларга етказилади. 2. Биринчи дарсда ўтилган масалалар бўйича блиц-сўров ўтказилади (4-илова). 3. Биринчи дарсда ўтилган масалаларни талабаларга қисқача эслатади. 	<p>Режани ёзиб олишади. Саволларга жавоб беришади.</p>
<p>II. Информацион босқич (билимларни актуаллаштириш ва ўзлаштириш) (55 мин.)</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. АСМнинг мамлакат иқтисодийётида тутган ўрни тўғрисида маълумот беради (5-илова). 2. Республика АСМини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ақлий ҳужум ўтказилади (6-илова). 3. Республика АСМини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (5 та) айтилади. 	<p>Талабалар қисқача конспект қилиб боради ва уларни мустақил такрорлайди. Ақлий ҳужумда иштирок этишади. АСМни ривожлантиришнинг мақсадли йўналишларини санаб беради.</p>
<p>III. Яқунловчи босқич. (15 мин.)</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўтилган масалаларни умумлаштиради. 2. Ҳар бир масала юзасидан тегишли хулосалар чиқаради ва уларни талабаларга айтиб туради. 3. Мустақил бажариш учун топширик берилади (7-илова). 	<p>Талабалар керакли маълумотлар ва хулосаларни ёзиб олади. Топширикни уйда бажаришади.</p>

**Агросаноат мажмуаси моҳияти ва таркиби мавзусидан ўтказиладиган
блиц-сўров саволлари**

1. Агросаноат мажмуаси деганда нимани тушунасан?
2. Агросаноат мажмуаси нечта соҳадан иборат?
3. Нима учун қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг марказий бўғини ҳисобланади?
4. Инфратузилма нима?
5. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларига нималар қиради?
6. Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасига қайси тармоқлар қиради?
7. Агросаноат мажмуасининг учунчи соҳасига неча сабабдан тайёрлов ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналари ҳамда сотиш корхоналари қиратилади?
8. Агросаноат мажмуасига қирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш зарур деган концепциянинг моҳияти нимада?

Мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхати

“Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада экинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 15 июн 2005 йил.

“Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 16 июн 2005 йил.

“Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 15 июн 2005 йил.


“Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 20 июн 2005 йил.

Экономика отаслей АПК/ ИА. Минаков, Н.И, Куликов, О.В. Соколов и др.; Под ред. И.А. Минакова. -М.: КолосС, 2004.-464 с.

Ҳакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М. Агросаноат мажмуаси иқтисодийети. – (ўқув қўланма) -Т.: ТДИУ 2004. – 160 б.

Салимов Б, Ўроқов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодийети. -Т.: ТДИУ 2004. - 167 б.

Серова Е.В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. –М.: Издательство ГУ ВЭШ, 1999. – 480 с.



4-илова (2.1.)

**Агросаноат мажмуаси моҳияти ва таркиби мавзусидан ўтказиладиган
блиц-сўров саволлари**

Агросаноат мажмуаси деганда нимани тушунасиз?

Агросаноат мажмуаси нечта соҳадан иборат?

Нима учун қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг марказий бўғини ҳисобланади?


Инфратузилма нима?

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларига нммалар киради?

Агросаноат мажмуасининг биринчи соҳасига қайси тармоқлар киради?

Агросаноат мажмуасининг учунчи соҳасига нема сабабдан тайёрлов ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналари ҳамда сотиш корхоналари киритилади?

Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш зарур деган концепциянинг моҳияти нимада?



«Ақлий ҳужум»нинг асосий қоидалари:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантириш га ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- «ҳужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

Агросаноат мажмуаси тақибининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари кўрсатинг

АСМнинг ҳозирги ҳолатига баҳо беринг	Мавжуд камчиликлар	Такомиллаштириш йўллари
• ...	•
• ...	•
• ...	•
• ...	•
• ...	•
• ...	•

2.2. СЕМИНАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Ўқув машгулотининг шакли</i>	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.
<i>Мавзу режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1.Агросаноат интеграцияси. 2.Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти. 3.Агросаноат мажмуасининг таркиби (тузилмаси). 4.Агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни. 5.Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг ҳозирги ҳолати. 6.Республика ва ҳудудий агросаноат мажмуаларини ривожлантириш йўналишлари. 7.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш
<i>Машгулотнинг мақсади:</i>	Талабаларга республика агросаноат мажмуаси ва унинг соҳаларининг таркиби тўғрисида аниқ билимлар бериш, ҳамда агросаноат мажмуаси таркибининг ўзгаришиб бориши тўғрисида маълумотлар бериш..
<i>Педагогик вазифалар:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Талабаларга агросаноат интеграцияси тўғрисида тушунча беради. • АСМнинг таркиб топиш қонунлари билан таништиради. • АСМ таркиби билан таништиради. • АСМсининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни тўғрисида маълумотлар беради. • АСМ олдида турган мақсадли вазифалар билан таништиради. 	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Агросаноат интеграцияси тушунчасига таъриф беради ва унинг моҳиятини айтади. • АСМни шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни санайди. • АСМ таркибини, унинг 4 та соҳасини номини айтиб беради. • АСМнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни тўғрисидаги кўрсаткичлар ва ҳақиқий маълумотларни айтади. • АСМ нинг олдида турган 6 та мақсадли вазифаларни санайди.
<i>Таълим методлари</i>	Амалий, суҳбат, тезкор-сўров
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, компьютер технологиялари, ўқув материаллари
<i>Таълим шакллари</i>	Жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

**«Агросаноат мажмуасининг моҳияти ва таркиби» мавзуси бўйича семинар
машғулотининг технологик харитаси**

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
Тайёргарлик босқичи	Қўшимча ўқув материални тайёрлайди Гуруҳларда ишлаш учун топшириқларни ишлаб чиқади. Гуруҳдан бир талабани танлайди ва ўқитувчи вазифасини бажаришини айтиб, машғулотни ўтказиш йўл-йўриқларини ўргатади.	Эшитади, зарур маълумотларни ёзиб олади.
I. Кириш босқичи (5дақиқа)	Машғулотни талаба ўтказади. 1.1.Мавзунинг номи, мақсади ва режалаштирилган натижаларини эслатади. 1.2.Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонларини эълон қилади (1-илова). 1.3.Семинар машғулоти ноанъанавий тарзда ўтилишини, яъни гуруҳ талабаси ўқитувчи сифатида машғулотни ўтказишини айтади.	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (65 дақиқа)	2.1.Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида ақлий ҳужум методидан фойдаланиб, куйидаги саволни беради: - Агросаноат интеграцияси деб нимага айтилади? - Агросаноат мажмуасининг мамлакат иктисодиётида тутган ўрнига қандай баҳо берасиз? Фикрингизни тушунтиринг. - Агросаноат мажмуасининг таркибий тузилмасига яна нималарни киритиш мумкин? - Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари нималардан иборат? Жавоблар 2-3 сўздан кўп бўлмаслиги кераклигини эслатади. Талабалардан бири жавобларни доскага ёзиб боради. Жавобларни таҳлил қилади, тўлдиради, тузатишлар киритади. 2.2.Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади, ва уларга топшириқ беради. (2-илова). Гуруҳларда ишни ташкил қилади. Берилган вазифани схема ва жадваллар асосида бажаришларини уқтиради. Гуруҳларда вазифалар тақсимланишига ёрдам беради. Гуруҳлар ишини кузатади, йўл- йўриқлар беради, йўналтиради. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.	Берилган саволга жавоб берадилар. Жавобларни ҳамкорликда муҳокама қилишади. Гуруҳлар фаолиятини бошлайди. Берилган саволларни ўрганиб чиқади, саволларга жавоб топади, ўзаро муҳокама қилади ва схема ва жадваллар асосида формат коғозига туширади. Тайёр ишларини доскага илади. Ҳар бир гуруҳдан иштирокчилар чиқиб намоиш қилиш орқали ўз ишларини тақдим қиладилар. Ўзаро

		берилган саволларга жавоб берадилар.
Ш. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзунинг дастлабки учта саволини умумлаштиради, хулосалар қилади, яқун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайди. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат учун тест саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова).	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова (2.2)

Эксперт гуруҳлари иш натижаларини баҳолаш мезонлари

<i>Мезонлар</i>	<i>Макс. балл</i>	<i>Гуруҳ фаолияти натижаларини баҳоси</i>			
Маълумотнинг тўлалиги	1,0				
Маълумотнинг аниқ, чизмалли тарзда тақдим этилганлиги	0,5				
Гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (тўлдириш, саволлар бериш, жавоблар бериш)	0,5				
Балларнинг максимал ҳажми	2				

1,5 – 2 балл - «аъло»
1,0 – 1,4 балл - «яхши»
0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»
0 - 0,4 балл - «қониқарсиз»

2-илова (2.2)

Эксперт варағи №1

Агросаноат интеграцияси. “Агросаноат мажмуаси” тушунчаси, унинг моҳияти

- 1.1. Агросаноат интеграцияси тушунчаси.
- 1.2. Агросаноат мажмуаси тушунчаси.
- 1.3. Агросаноат мажмуасининг таркибий тузилиши.

Эксперт варағи №2

Агросаноат мажмуасининг таркибий тузилмаси

- 2.1. “Агросаноат мажмуаси” соҳалари.
- 2.2. Агросаноат мажмуасининг биринчи ва иккинчи соҳаси.
- 2.3. Агросаноат мажмуасининг учинчи ва тўртинчи соҳаси.

Эксперт варағи №3
Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий
йўналишлари

- 3.1. Агросаноат мажмуасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар.
3.2. Агросаноат мажмуаси ривожлантириш бўйича қандай ишлар бугунги кунда амалга оширилмоқда.
3.3. Агросаноат мажмуасини ривожлантириш бўйича яна қандай вазифалар бажарилмоғи лозим.

3-илова (1.2)

Назорат учун тест саволлар ва топшириқлар:

1. Шартномадан ошиқ топширилган маҳсулотнинг неча фоизи қилиб берилади ?

- А) 100 фоизи
- Б) 50 фоизи
- В) 70 фоизи
- Г) 80 фоизи
- Д) 30 –40 фоизи

2. Тежалган пуллик харажатнинг неча фоизи мукофот қилиб берилади ?

- А) 30 фоизини
- Б) 50 фоизини
- В) 100 фоизини
- Г) 40 фоизини
- Д) 70 фоизини

3. Маҳсулот етиштириш таннархи деб нимага айтилади ?

- А) вақт бирлиги ичида и/ч маҳсулот бирлиги .
- Б) маҳсулот и/ч учун сарфланган вақт бирлигига.
- В) маҳсулот и/ч учун жами сарфланган харажатлар йиғиндисига.
- Г) маҳсулот бирлигига тугри келадиган меҳнат харажатлар.
- Д) маҳсулот бирлигига тугри келадиган пуллик харажатлар йиғиндисига

4. Рентабеллик деб нимага айтилади ?

- А) олинган фойдани 100 га купайтириб танархга нисбатига
- Б) олинган ялпи даромадни 100 га купайтириб и\ч харажатларига нисбатига
- В) олинган фойдани 100 га купайтириб сотишдан тушган суммага нисбати билан
- Г) олинган фойдани харажатга кўпайтириш йўли билан
- Д) олинган ялпи даромадни и / ч харажатларини кайтиб узига нисбатига

4. Таннархни динамикаси деб нимага айтилади ?

- А) маҳсулот танархига кирадиган харажатларни камайитиришга.
- Б) маҳсулот танархига кирадиган харажатларни йилдан йилга купайиши еки камайиши
- В) маҳсулот танархини ошиши ва унинг бахоланишига
- Г) маҳсулот и/ч ни ривожланишига
- Д) маҳсулот и/ч ни купайтириб, фойдани ошишига

5. Ички хўжалик ҳисоби қайси жойларда юритилган ?

- А) звенолар, калхозлараро, районларда
- Б) звенолар, бригадалар, тармоқлар ичида
- В) қархоналар, ташкилотлар уртасида
- Г) саноатда, қайта ишлашда, хизматда
- Д) транспорт қорхонасида, деҳқончиликда

 Ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир.
 Турли жойларда мавжуд ер майдонлари турли сифатга, яъни унумдорликка эга.
 Ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин эмас.

Республика ер фондининг таркиби

(Ўз. Р. Ер кодексининг 8-моддасида ер фонди тоифалари белгилаб кўйилган.)

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тайин этилган ерлар – қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, хайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дархтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

Аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари - шаҳарлар ва посёлкалар шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, реализация мақсадларига мўлжалланган ерлар – алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланадиган ерлар;

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

Ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун берилган ерлар;

Сув фонди ерлари – сув объектлари, сув хўжалиги иншоатлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

Захира ерлар.

Қишлоқ хўжалиги ер фондидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи
кўрсаткичлар

1). Ер фондининг таркиби (структураси). Жами ер майдонида қишлоқ хўжалигига яроқли (қишлоқ хўжалигига тайин этилган) ерларининг салмоғи, (фоизларда ифодаланади). Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Kx.ер.сал. = \frac{Kx.тэ.ер}{Ж.ер.м} \times 100$$

Бунда: Кх ер сал. – қишлоқ хўжалигига яроқли ер салмоғи, %

Ж. ер м. - жами ер майдони, га

Кх. Тэ. Ер. - қишлоқ хўжалиги учун тайин этилган ер майдони, га

2). Қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибини кўрсатади. Жумладан, жами қишлоқ хўжалиги ерларида ҳайдаладиган ер салмоғи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Kx.ер.тар. = \frac{Kx.ер.турлари}{Жк.х.ер.м} \times 100$$

Бунда: Кх ер таркиби – қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби, %

Кх ер турлари - қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдони, га

Жк.х. ер м. - жами қишлоқ хўжалиги ер майдони, га

3). Ердан фойдаланиш коэффиценти (марталилиги). Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Ерф.к. = \frac{Хэм, га}{Ж.э.м., га}$$

Бунда: Ер ф.к. – ердан фойдаланиш коэффиценти, марта

Х э м. - ҳақиқатда экилган экин майдони, га

Ж.э.м - жами экин майдони, га

**Қишлоқ хўжалиги ер фондидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини
ифодаловчи кўрсаткичлар**

Хосилдорлик (натурал кўрсаткич) қуйидагича аниқланади.

$$X = \frac{Ях}{Эм., га}$$

Бунда: X – экин турларининг (пахта, буғдой, макка, узум, мева...) хосилдорлиги, ц/га

Ях - ялпи (пахта, буғдой, макка, узум, мева...) хосил, ц

Эм - экин (пахта, буғдой, макка, узум, мева...) майдони, га

Ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофик:

1). Ер майдони бирлиги ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, сўм. Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Ерф.с. = \frac{Ям., сўм}{Ж.э.м., га}$$

Бунда: Ер ф.с. – ердан фойдаланиш самарадорлиги, сўм

Я.м. – ялпи маҳсулот, сўм

Жэм - жами экин майдони, га

Бу кўрсаткич доимо ўсиб борса ижобий ривожланиш ҳисобланади. Албатта унинг даражасига жуда кўплаб омиллар (иқтисодиётнинг, технологиянинг ривожланганлик даражаси, инфляция даражаси, экин турлари ва маҳсулотларга шаклланадиган нархлар даражаси) таъсир этади.

2). Ер бирлиги ҳисобига олинган фойда миқдори, сўм. Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Ерф.с. = \frac{Ж.ф., сўм}{Ж.э.м., га}$$

Бунда: Ер ф.с. – ердан фойдаланиш самарадорлиги, сўм

Ж.ф. – жами олинган фойда (ёки соф фойда), сўм

Жэм - жами экин майдони, га


**Ер фондидан фойдаланишнинг даражаси ва
иқтисодий самарадорлигини ишириш
йўналишлари**

Ер қонунчилигини такомиллаштириш.
 Мулкый муносабатларни такомиллаштириш;
 Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда ернинг талаби ва
 имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;
 Салбий ер тарнсформациясига йўл қўймаслик;
 Ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг самарадорликни оширганликлари
 учун манфаатдорлигини таъминлаш;
 Танланган ишлаб чиқариш турининг технологияларини бузмасдан
 бажариш, мелиорация ва ирригация тадбирларини ўз вақтида самарали
 ўтказиш;
 Илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
 Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
 Кимёлаштириш;
 Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни сув ва шамол эрозиясидан асраш;
 Ер ва сувдан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини такомиллаштириб
 бориш;
 Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор усулларини
 (томчилатиб, ёмғирлатиб, қатор оралаб ва х.х.) ишлаб чиқаришга жорий
 этиш;
 Ердан самарали фойдаланишнинг доимий мониторингини ташкил этиш;
 Қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа мақсадлар учун чиқиб кетишига
 имкон даражасида йўл қўймаслик;
 Уруғчиликни ривожлантириш;
 Ердан фойдаланишнинг маротабалигини ошириш;
 Иссиқхоналарни кўпайтириш.

Уй вазифаси

1.Инсерт техникасдан фойдаланган ҳолда кейинги машғулотга тайёргарлик кўриб келинг.

2.Мавзуга оид энг сўнгги маълумотлардан фойдаланган ҳолда матн тайёрлаб келинг.

**Инсерт жадвали**

V	+	-	?

9.2. СЕМИНАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Ўқув машгулотининг шакли</i>	Амалий масалаларни ечиш орқали билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар (1-2-машгулотлар)
<i>Мавзу режаси</i>	<p>1-машгулот</p> <p>1.Қишлоқ хўжалиги ер фонди ва унинг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўзига хос хусусиятлари.</p> <p>2.Қишлоқ хўжалиги ер фондининг таркиби.</p> <p>3.Ижобий ва салбий ер трансформацияси.</p> <p>4.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>5.Қишлоқ хўжалигида ер фондидан фойдаланишнинг даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.</p> <p>6.Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар.</p> <p>7.Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўналишлари.</p> <p>8.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.</p>
<i>Машгулотнинг мақсади:</i> Қишлоқ хўжалигида ер фонди, унинг таркиби ва трансформацияси, ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлик кўрсаткичлари ва бошқа ер билан боғлиқ масалалар ҳақида тушунча бериш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Қишлоқ ер фонди ҳақида тўлиқ маълумот бериш; • Қишлоқ ер фондининг таркиби ва трансформацияси ҳақида тушунча бериш; • Қишлоқ хўжалигида ер фондидан фойдаланишнинг даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ёритиш; • Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ҳақида тушунча бериш; • Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўналишларини таъкидлаб ўтиш; 	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Қишлоқ ер фонди ҳақида тушунчага эга бўлинади; • Қишлоқ ер фондининг таркиби ва трансформацияси ҳақида ахборотга эга бўлинади; • Қишлоқ хўжалигида ер фондидан фойдаланишнинг даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар санаб ўтади ва мазмунини ёритади; • Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни санаб ўтадилар; • Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўналишларини кўрсатиб ўтади.
<i>Таълим методлари</i>	Биргаликда ўқиш, «кооп-кооп», презентация, ақлий хужум, Т-схема, блиц-сўров, амалий ва муаммоли масалалар, Дельфи техникаси.
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, компьютер технологиялари, ўқув

	материаллари
Таълим шакллари	Жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

«Қишлоқ хўжалиги ер фонди ва ундан фойдаланиш» мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси (1-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич Мавзуга кириш (20 минут)	<p>1.1. Машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>1.2. Ўтилган мавзунини эсга солиш мақсадида «ер», «ер фонди», «ердан фойдаланиш даражаси ва кўрсаткичлари» тушунчаларига таъриф беришни сўрайди.</p> <p>1.3. Талабалар билимини жонлантириш мақсадида «Ер ишлаб чиқариш воситасими? Нега?» деб савол беради. Бир нечта жавобларни эшитиб, мавзунини кичик гуруҳлардаги вазифалар бажарилгандан сўнг презентация вақтида муҳокама қилинишини эълон қилади.</p> <p>1.4. Кичик гуруҳларда ишлаш қоидабини эслатади. Натижалар плакатларда тақдим қилиниши кераклиги ва гуруҳлар фаолияти экспертлар томонидан ўзаро баҳоланиши эълон қилади</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Таъриф берадилар</p> <p>Жавоб берадилар</p> <p>Эшитадилар</p> <p>Эшитадилар</p>
2-босқич Асосий бўлим	<p>2.1. Кичик гуруҳларга ихтиёрий ҳолда бўлади. Қандай натижалар олиниши кераклигига аниқлик киритади. Баҳолаш кўрсаткичлари ва меъзонларини шарҳлайди (1-илова). Ишлаш регламенти билан таништиради (2-илова)</p> <p>2.2. Вазифаларни тарқатади. (3-илова) ва гуруҳларда иш бошланганлигини эълон қилади.</p> <p>2.3. Презентация ўтқизишни ва гуруҳлар натижасини ўзаро баҳолашни ташкил қилади.</p> <p>2.4. Шарҳлайди, натижаларни умумлаштиради, хулосаларга диққатни жалб қилади.</p>	<p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар</p> <p>Ишни бошлайдилар</p> <p>Презентация қиладилар, баҳолайдилар</p> <p>Эшитадилар</p>
3-босқич Яқунловчи (10 минут)	<p>3.1. Олиб борилган ишларга яқун ясайди.</p> <p>3.2. Маъруза дарсига меҳнат бозорига оид статистик маълумотларни тўплаб келиш вазифасини беради</p>	<p>Эшитадилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p>

**«Қишлоқ хўжалиги ер фонди ва ундан фойдаланиш» мавзуси бўйича семинар
машғулотининг технологик харитаси (2-машғулот)**

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич Мавзуга кириш (20 минут)	1.1. Машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.2. Машғулот шакли, дарсни ўтқизиш регламенти, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.(4-илова)	Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий бўлим	2.1.Мавзунини ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида мавзуга оид саволлар бўйича блиц-сўров ўтқизади. (5-илова) 2.2.Ихтиёрий равишда талабаларни 3та гуруҳга бўлади, муаммоли вазифани тарқатади (6-илова). Ақлий хужум қоидалари ва дельфи техникаси билан таништиради. (7 ва 8 -иловалар). Вазифа бажарилгандан сўнг гуруҳ номидан презентация қилувчини ўқитувчи танлашини эълон қилади. Гуруҳлардаги ишни ташкил қилади, кузатувчи сифатида иштирок этади: -ишлаётган гуруҳларни назорат қилади, лекин бошқармайди; -индивидуал ишларга эътибор беради; - «Нима учун шундай деб ўйлайсиз?» деб очик саволлар беради. 2.3.Презентация бошланганини эълон қилади. Биргаликда бажарилган ишлар натижасини эълон қилиш учун вакилларни тайинлайди. Гуруҳлар фаолиятини ўзаро баҳолашни ташкил қилади, шарҳлайди, олиб борилган ишларга яқун ясайди.	Саволларга жавоб берадилар Вазифа билан танишадилар, Индивидуал бажариб, сўнг жамоа бўлиб муҳокама қиладилар. Умумий хулосага келиб презентация варағини тайёрлайдилар. Натижаларни эълон қилади-лар, саволлар берадилар ва қўшимчалар қиладилар
3-босқич Яқунловчи (10 минут)	3.1. Дарсга яқун ясайди, мақсадга эришилганлик ҳақида хулоса қилади 3.2. Барча мавзу бўйича маърузалар матнини ўрганиб чиқишни тавсия қилади.	Баҳоларни муҳокама қиладилар Ёзиб оладилар

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Гуруҳ	Баҳо	Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари			
		Маълумотнинг тўлалиги	Гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги	Маълумотнинг тақдим этилиши	Жами
	Балл	1,0	0,5	0,5	2
1					
2					
3					

Гуруҳ ишларини умумлаштирувчи баҳо

Гуруҳ	1	2	3	Жами балл	Баҳо
1					
2					
3					

1,5 – 2 балл - «аъло»
 1,0 – 1,4 балл - «яхши»
 0,5 – 0,9 балл - «кониқарли»
 0 - 0,4 балл - «кониқарсиз»

2-илова (9.2)

ВАЗИФАНИ БАЖАРИШ КЕТМА-КЕТЛИГИ ВА РЕГЛАМЕНТИ

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.
2. Муҳокама қилиш –3 минут.
3. Презентация варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация қилиш –7 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентациялари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

3-илова (9.2)

1-гуруҳ1-вазифа. **Тест****Ўзбекистон Республикас неча млн. гектар ер майдонига эга?**

- А) 444,7 млн.га;
 Б) 447,4 млн.га;
 В) 474,4 млн.га;
 Г) 144,7 млн.га.

2-вазифа

Республикамизда ердан фойдаланиш самарадорлиги қандай? Экинлар тури ва миқдорига кўра қандай?

Жавобингизда конкрет мисоллар келтиринг

3-вазифа

Бугунги кунда ерларни хусусийлаштирилиши қандай афзалликларга ва ноқулайликларга эга?

(Уларнинг ижобий ва салбий томонларини жадвал кўринишида беринг)

Салбий томонлари	Ижобий томонлари

2-гурух

1-Вазифа. Тест

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларининг неча фоизи ҳайдаладиган ерлар тоифасига киради?

- А) 14%;
- Б) 15%;
- В) 16%;
- Г) 17%.

2-вазифа.

Мавжуд ер ресурслари талабни қондира оладими? Нега?

Жавобингизда конкрет мисоллар келтиринг

3-вазифа.

Ширкат хўжаликларининг маълум қисмини фермер хўжалкилаига айлантирилишига зарурат нимада деб ўйлайсиз?

(Уларнинг ижобий ва салбий томонларини жадвал кўринишида беринг)

Ижобий томонлари	Салбий томонлари

3-гурух

1-Вазифа. Тест

Мамлакатимизда лалмикор ерлар неча гектарни ташкил этади?

- А) 447,4 млн.га;
- Б) 6,6 млн.га;
- В) 6,7 млн.га;
- Г) 8,8 млн.га.

2-вазифа.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ва ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги бугунги кунда қандай аҳволда?

Жавобингизни конкрет мисолда тушунтиринг.

3-вазифа.

Дехқон хўжаликларининг АСМ да тутган ўрни қандай?

(Уларнинг ижобий ва салбий томонларини жадвал кўринишида беринг)

Ижобий томонлари	Салбий томонлари

4-илова (9.2.)

Семинарда ишлаш тартиби ва регламенти

Блиц-сўров-15минут;

Гуруҳларда ишлаш ва презентацияга тайёрланиш-20 миут;

Гуруҳнинг мавзу бўйича ўз нуқтаи-назарини баён этиши-5 минут;

Жамоавий муҳокама, хулосаларни шакллантириш- 5 минутгача;

Ўзаро баҳолаш-1минут;

Индивидуал тест ўтқизиш-5минут.

Блиц- сўров саволлари

1. Республикамиз ер майдони қанча?
2. Ер фондининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар салмоғи қандай топилади?
4. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибини ҳисоблаш формуласини келтиринг. Мазмунини тушунтиринг.
5. Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида нималарни биласиз?
6. Ер трансформацияси деганда нимани тушунасиз?
7. Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини оширишга қандай омиллар таъсир қилади?

Муаммоли вазифа

Вазият.

Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги жами ер майдони 400 млн.га. Шундан 250 млн.га қишлоқ хўжалиги учун тайин этилган ер майдони, Мамлакатдаги мавжуд ер майдони қуйидагилар билан характерланади:

2007 йилда:

-150 млн.га ҳайдаладиган ер майдонига киритилади.

Аммо,

-ҳар йили 2000 гектар ер чўллашмоқда.

-ҳар йили 1500 гектар ер ўзлаштирилмоқда.


Вазифа.

1. Мамлакатдаги қишлоқ хўжалигига яроқли ер салмоғини топинг.
2. 2010 йилда қишлоқ хўжалигига яроқли ер таркиби неча фоизни ташкил этади?
3. Ердан фойдаланиш имконини берадиган оптимал чора-тадбирлар рўйхатини тузинг.
4. Юқоридаги ҳолат иқтисодиётга қандай таъсир қилади.
5. Дельфи техникасиадан фойдаланиб энг яхши ғояни танланг.

Методик кўрсатмалар:

- Масалани индивидуал ўқинг.
- Масалани ечимни натижаларини биргалиқда муҳокама қилинг
- Муаммони ҳал қилишнинг чораларини индивидуал ўйланг.
- Барча берилган фикрларни биргалиқда муҳокама қилинг
- Муаммони якуний ечимини формулировка қилинг ва презентация қоғозида расмийлаштиринг.

ДЕЛЬФИ ТЕХНИКАСИ



Муқобил ғояларни баҳолаш варағи (намуна)

Қ	Муқобил ғоялар												
	1 – чи			2 – чи			3 – чи			n- чи			
	Р	Б	К	Р	Б	К	Р	Б	К	Р	Б	К	
А	1	2	2	3	4	12							
Б	2	2	4	3	6	18							
В													
Г													
Кўпайтма йиғиндиси			30				32						

Бу ерда Қ-қашнашувчи фамилияси;

Р-ранг бўйича баҳо (1-дан – энг муҳим таклиф, охорги n-гача унчалик муҳим бўлмаган, иккинчи, учинчи ва ҳоказо таклифлар)

Б-ғояни амалга оширишни энг тежамлилиги бўйича баллардаги баҳоси (1-энг юқори баллдан, 10-энг паст баллгача);

К- кўпайтма РхБ

8-илова (9.2.)

Ақлий ҳужум қоидалари

АҚЛИЙ ҲУЖУМ ҚОИДАЛАРИ:

Ҳеч қандай ўзаро танқид ва баҳолаш бўлмаслиги керак.
 таклиф қилинаётган ғояга баҳо беришдан сақлан, агар у жуда юқори ва бажарилиш эҳтимоли бўлмаса ҳам – ҳаммасига рухсат берилади.
 барча келтирилган ғоялар қимматли ва тенг кучли – уларни танқид қилмаслик керак.
 жавоб бераётганни тўхтатмаслик керак.
 камчиликларини кўрсатишдан сақланинг.
 мақсад миқдор ҳисобланади.
 қанча кўп фикр билдирилса шунча яхши: Янги ва қимматли ғоянинг туғилишига эҳтимол шунчалик кўп бўлади.
 фикрлар такрорланса эътибор бермаслик керак.
 очик танқидий фикрларни айтишга рухсат бер.
 пайдо бўлган ғояни агар у сенинг назаринг бўйича қабул қилинган схемага жавоб бермаса ҳам ташлаб юбормаслик керак.
 ушбу муоммани фақат мавжуд усуллар билан ечиш мумкин деб ўйлама.

10–мавзу	АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
-----------------	--

10.1. МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Мавзуий – кўргазмали маъруза (1-машғулот) Кўргазмали маъруза (2-машғулот)
<i>Мавзу режаси</i>	<p>1-маъруза</p> <ol style="list-style-type: none"> 1.Мехнат, мехнат ресурслари тушунчаси, унинг моҳияти. 2.Қишлоқ хўжалиги мехнат ресурслари таркиби. 3.Мехнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари. 4.Мехнат унумдорлиги, тушунчаси, моҳияти ва уни ҳисоблаш усуллари. 5.Мехнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар. 6.Қишлоқ хўжалигида мехнат ресурсларидан фойдаланиш ва мехнат унумдорлигини оширишни йўналишлари.
<p><i>Машғулотнинг мақсади:</i> Талабаларга агросаноат мажмуасида мехнат ресурслари таркиби, улардан фойдаланиш самарадорлигини, мехнат унумдорлигини республикада ошириш, ушбу масалаларда мавжуд муаммолар ва уларнинг оптимал ечимлари тўғрисида билимлар бериш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Мехнат ресурслари ҳақида тушунча бериш; • Қишлоқ хўжалиги мехнат ресурсларининг таркибий қисмлари ҳақида маълумот бериш; • Мехнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини айтиб ўтиш ва тушунтириш; • Мехнат унумдорлиги тушунчаси ва унинг моҳиятини ёритиб бериш; • Мехнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни санаб ўтиш ва улар ҳақида маълумот бериш; • Қишлоқ ресурслари мехнат ошириш 	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Мехнат ресурслари ҳақида тушунчага эга бўлинади; • Қишлоқ хўжалиги мехнат ресурсларининг таркибий қисмлари ҳақида маълумот олинади; • Мехнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини айтиб ўтилади ва тушунтирилади; • Мехнат унумдорлиги тушунчаси ва унинг моҳиятини ёритиб берилди; • Мехнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни санаб ўтиш ва улар ҳақида маълумотга эга бўлинади.

айтиб ўтиш.	бўлинади.
Таълим методлари	Маъруза, савол-жавоб, суҳбат, ўзаро ўқитиш методи, кластер, инсерт техникалари
Таълим воситалари	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, чизмали органайзерлар, асосий маълумот ва таянч тушунчалардан иборат маъруза матнлари (тарқатма материал).
Таълим шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

«Агросаноат мажмуасининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш» мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси (1-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Биринчи дарс. (2 соат) Мотивлаштириш босқич (20 мин.)	<p>Мавзунинг номини ва режасини ҳамда адабиётлар рўйхатини (1-илова) талабаларга етказди.</p> <p>Дарснинг мақсадини аниқлайди ва талабаларга етказди.</p> <p>Дарсда эришиладиган натижаларни белгилайди. Буларга:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ушбу мавзунинг ўрганиш зарурати, унинг аҳамияти ва бошқа мавзулар билан боғлиқлиги кўрсатилади; • Мутахассиснинг фаолиятида ушбу мавзунинг амалий аҳамияти кўрсатилади; • Талабаларнинг ушбу мавзу тўғрисидаги тушунча даражаси аниқланади. Блиц-сўров (2-илова); • Асосий тушунча ва ибораларни талабаларга ёздирди. 	<p>Талабалар ёзиб олишади.</p> <p>Мавзунинг аҳамиятини, бошқа мавзулар билан алоқасини айтиб беради.</p> <p>Мутахассис фаолиятидаги аҳамиятини айтиб беради</p> <p>Саволларга қисқа жавоб беришади.</p> <p>Асосий тушунча ва ибораларни ёзиб олади ҳамда айтиб беради.</p>
II. Информацион босқич (билимларни актуаллаштириш)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Меҳнат русуслари тушунчасига таъриф (3-илова) беради, моҳияти ва аҳамиятини очиқ беради. 2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат 	Талабалар қисқача конспект қилиб боради, асосий сабабларни

ва ўзлаштириш) (50 мин.)	ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини беради (4-илова). 3. Мехнат ресурсларининг таркибини беради (5-илова) 4. Қишлоқ хўжалигида мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни беради (6-илова). 5. Қишлоқ хўжалигида мехнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни беради (7-илова).	санайди ва асослайди. Талабалар керакли маълумотларни ёзиб олади ва ёддан айтиб беради.
III. Биринчи дарсни яқунловчи босқич. (10 мин.)	1. Ўтилган масалаларни умумлаштиради. 2. Ҳар бир масала юзасидан тегишли хулосалар чиқаради ва уларни талабаларга айтиб туради. 3. Биринчи дарсда ўрганилган масалалар юзасидан қисқача хулосалар қилинади, уй вазифаси берилади ва дарс тугайди. 4. Инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда кейинг машғулотга тайёргарлик кўриб келиш (8-илова).	Хулосаларни ёзиб олишади. Хулосалар бўйича ўз фикрини билдиради. Уй вазифасини ёзиб олади ва кейинги дарсда ўқитувчи талаби га кўра айтиб беради.

«Агросаноат мажмуасининг мехнат ресурслари ва улардан фойдаланиш» мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси (2-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
Иккинчи дарс. I. босқич. (2 соат). Мотивлаштириш босқич (10 мин.)	1. Биринчи дарсда ўтилган масалалар бўйича блиц-сўров ўтказиши (9-илова). 2. Биринчи дарсда ўтилган масалаларни талабаларга қисқача эслатади.	Саволларга жавоб беришади. Тинглайди ва зарурати бўлса саволлар беради
II. Информацион босқич (билимларни актуаллаштириш ва ўзлаштириш) (50 мин.)	1. Мехнат унумдорлиги тушунчасига таъриф беради (10-илова). Мехнат унумдорлигини моҳиятини, аҳамиятини очиқ беради. 2. Мехнат унумдорлигини ҳисоблаш усуллари кўрсатади (11-илова) 3. Мехнат ресурсларидан фойдаланишни даражаси ва самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилайди. 4. Мехнат унумдорлигини ошириш йўналишларини белгилаб беради (12-илова)	Таърифни ёзиб олади ва айтиб беради. Ёзиб боради. Ёзиб олади ҳамда уларнинг мазмунини айтиб беради. Ёзиб олади ҳамда уларнинг

		мазмунини айтиб беради. Ёзиб олади ва асосий йўналишларни санайди.
III. Яқунловчи босқич. 20 мин.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўтилган масалаларни умумлаштиради. 2. Ҳар бир масала юзасидан тегишли хулосалар чиқаради ва уларни талабалага айтиб туради. 3. Талабаларни билимларини чуқурлаштириш учун саволлар беради (13-илова). 	Талабалар керакли маълумотлар ва хулосаларни ёзиб олади. Хулосалар бўйича ўз фикрини билдиради. Саволларга жавоб берадилар.

1-илова (10.1.)

Мавзунини ўрганиш учун адабиётлар рўйхати

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999-486б.
 Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000- 486б.
 Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001- 486б.
 Экономика отраслей АПК/ ИА.Минаков, Н.И, Куликов, О.В. Соколов и др.; Под ред. И.А.Минакова.-М.: КолосС, 2004.-464 с.
 Хақимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (ўқув қўланма) -Т.: ТДИУ 2004. – 160 б.
 Серова Е.В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. –М.: Издательство ГУ ВЭШ, 1999. – 480 с.

2-илова (10.1.)

Талабаларнинг билим даражасини аниқлашга қаратилган саволлар


Меҳнат тўғрисида нималарни биласиз?
 Меҳнат бозорининг субъектларини айтинг.
 Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ишлоқ хўжалигида ўзига хос хусусиятлари нималарда наъмоён бўлади?
 Меҳнат ресурсларига кимлар қиради?
 Бандлик деганда нимани тушинамиз?
 Ишсизлик деганда нимани тушинамиз?

Мамлакат аҳолисининг меҳнат қилиш (жисмоний ва ақлий имкониятлар мажмуасига эга) қобилиятларга эга бўлган қисми унинг меҳнат ресурслари дейилади. Меҳнат фақатгина онгли фаолият натижасидир. Шу сабабли меҳнат тушунчаси инсоннинг фаолиятини билдиради. Меҳнат инсонга хос хусусиятдир. Иш эса энергиянинг сарфланиши оқибатида юз берадиган жараёндир. Демак ишни техникалар, махсус ускуналар, ишчи ҳайвонлар бажариши назарда тутилади.


Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари


Қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг натижалари табиий омилларга боғлиқ;
 Қишлоқ хўжалигида меҳнат мавсумийлик характериға эға, натижада мавсумий ишсизлик юзаға чиқади;
 Қишлоқ хўжалигида меҳнат кенг далаларда, очик жойларда олиб борилади;
 Қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш даврининг мос келмаслиги натижасида вақтинчалик ишсизлик объектив холда юзаға келади;
 Қишлоқ хўжалиги меҳнати нисбатан паст малакали ҳисобланади ва бозор талаблариға мослаштириб туриш зарурати туғилади.

Меҳнат ресурслари таснифи




Меҳнат ресурслари таркиби





Ширкатларга Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонунининг 1-боб, 1-моддасида - **“Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) – товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун пай усулга ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига, бошқаришнинг умумийлигига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.*** деб таъриф берилган.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туман “Соҳибқирон” ширкат хўжалиги устав жамғармаси



Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тулдириш қоидаси билан танишадилар.

Инсерт жадвали:
 - маълумотларни системалаштиришни (мустиқил ўқиш/ маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиришни таъминлайди;
 - ўқув маълумотини мустиқил ўргангандан сўнг қўлланилади.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;
 Матнда қўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:
 “V” - ҳақидаги билимларимга жавоб беради;
 “-“ - ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;
 “+” - янги маълумотлар
 “?” – тушунарсиз (аниқлаштириш, тўлдиришни талаб қилади) маълумот.

Инсерт жадвали


V	+	-	?

Блиц-сўров саволлари:

1. Мехнат ресурслари деганда нимани тушунарсиз?
2. Мехнат ресурслари ўз ичига нималарни камраб олади?
3. Республикамизда мехнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси қандай ҳолатда?
4. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси кўрсаткичларини айтиб ўтинг.
5. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари қишлоқ хўжалигида қандай аҳамият касб этади?
6. Қишлоқ мехнат бозорининг тўйинганлик даражаси бугунги кунда қандай? Фикрингизни тушунтиринг.
7. Мехнат унумдорлиги деганда нимани тушунарсиз?

Мехнат унумдорлиги атамаси фақат яратилган (сотилган) маҳсулот (хизматлар) ҳажминигина ўз ичига олади, ҳолбуки, унумдорлик атамаси кўшимча равишда меҳнат натижаларида буюмлашган меҳнатнинг тежалишини ёки ортикча сарфланишини ҳисобга олади.

Мехнат унумдорлиги маҳсулот ҳажмининг иш вақтига нисбати (M/T) билан ва аксинча, иш вақтининг маҳсулот ҳажмига нисбати (T/M) меҳнат сиғими билан аниқланади, яъни мазкур тушунча тўғридан-тўғри алоқвани ҳам, аксинча алоқани ҳам акс эттиради.



Унум маҳсулот массасининг ходимлар сонига (L) билан ифодаланган иш вақтига муносабатидир M/L , яъни у фақат тўғридан тўғри алоқада намоён бўлади. Унум маҳсулот ҳажмининг умуман иш вақтига эмас, балки бевосита ходимга нисбатини кўрсатади.

Олинган натижа ва муайян маҳсулот ишлаб чиқаришга иш вақти сарфланиши ўртасидаги нисбат меҳнат унумдорлиги тушунчаси билан тавсияланади. Бу нисбат:

$$P_t = M / T \quad (1)$$

формула билан ифодалангани мумкин.


Бунда: P_t – меҳна унумдорлиги, l – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми; \dot{O} – барча маҳсулот ишлаб чиқарилишига сарфланган вақт.

Мехнат унумдорлиги жами (жонли ва ўтмиш) мехнат сарфлари бўйича ҳисоблаб чиқилса ижтимоий мехнат унумдорлигини билдиради. У

$$P_o = M / T_1 + T_2 \quad (2)$$

формуласи бўйича аниқланади.

Бунда, P_o – ижтимоий мехнат унумдорлиги; T_1 – жонли мехнат сарфлари; T_2 – ўтмиш ёки сингдирилган мехнат сарфлари.



Мехнат унумдорлигини ҳисоблаб чиқиш учун фақат жонли мехнат сарфларидан фойдаланилса, бундай кўрсаткич индивидуал мехнат унумдорлиги дейилади. Вакт ёки ишлайдиган миқдори сарфлари жонли мехнат сарфлари бўлади. Индивидуал (якка) мехнат унумдорлиги

$$P_i = M / T_1 \quad (3)$$

Формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилади.

12-илова (10.1.)

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўналишлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги мехнат ресурслари малакасини ошириш;
- қишлоқ хўжалигида банда ходимларнинг даромади бошқа соҳаларда банд бўлганлар даромадидан паст бўлмаслигини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги мехнат ресурсларининг иш қуроллари билан қуролланиш даражасини ошириш, замонавийлаштириш;
- қишлоқ хўжалигида мулкый муносабатларин янада ривожлантириш.
- қишлоқ жойларда молия, кредит тизими, солиқ тизими ва бошқа кўплаб иқтисодий дастакларнинг ривожланишини таъминлаш.

13-илова (10.1.)

Ўз-ўзини текшириш ва назорат учун саволлар (Ўқитувчи варианты):

1. Мехнат унумдорлиги топишнинг формуласини келтиринг.
2. Қишлоқ хўжалигида мехнат унумдорлигини оширишнинг қандай йўналишларини биласиз? Фикрингизни изоҳланг.
3. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва мехнат унумдорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалигида қандай оптимал усул қўлланилгани маъқул? Нега?
4. Қишлоқ хўжалигида банда аҳоли малакасини ошириш бўйича қандай таклифлар билдирасиз?
5. Қишлоқ мехнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг илғор жаҳон тажрибаларидан мисоллар келтиринг. Улардан республикамиз қишлоқ хўжалигида фойланиш мумкинми? Қандай қилиб?

10.2. СЕМИНАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 4 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни мустахкамлаш ва чуқурлаштириш (1-2-машғулотлар).
Мавзу режаси	<p>1-машғулот</p> <p>1.Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари тушунчаси, унинг моҳияти.</p> <p>2.Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари таркиби.</p> <p>3.Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари.</p> <p>4.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2- машғулот</p> <p>1.Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблаш.</p> <p>2.Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини оширишни йўналишлари.</p> <p>3.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.</p>
<p>Машғулотнинг мақсади: Талабаларга агрсаноат мажмуасида меҳнат ресурслари таркиби, улардан фойдаланиш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини республикада ошириш, ушбу масалаларда мавжуд муаммолар ва уларнинг оптимал ечимлари тўғрисида билимлар бериш.</p>	
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Меҳнат ресурслари ҳақида тушунча бериш; • Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларининг таркибий қисмлари ҳақида маълумот бериш; • Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини айтиб ўтиш ва тушунтириш; • Меҳнат унумдорлиги тушунчаси ва унинг моҳиятини ёритиб бериш; • Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни санаб ўтиш ва улар ҳақида маълумот бериш; • Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини оширишни йўналишларини айтиб ўтиш. 	<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Меҳнат ресурслари ҳақида тушунча бериш; • Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларининг таркибий қисмлари ҳақида маълумот бериш; • Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини айтиб ўтиш ва тушунтириш; • Меҳнат унумдорлиги тушунчаси ва унинг моҳиятини ёритиб бериш; • Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни санаб ўтиш ва улар ҳақида маълумот бериш; • Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини оширишни йўналишларини айтиб ўтиш.
Таълим методлари	Амалий, суҳбат, тезкор-сўров
Таълим воситалари	Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, компьютер технологиялари, ўқув

	материаллари
Таълим шакллари	Жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

**«Агросаноат мажмуасининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш»
мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси (1-машғулот)**

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Кириш босқичи (15дақиқа)	<p>1.1. Машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. Машғулот гуруҳларда биргаликда ишлаш усулида боришини эълон қилади</p> <p>1.2. “Меҳнат ресурслари” ва “Меҳнат унумдорлиги” тушунчаларига қисқача таъриф беришни сўрайди.</p> <p>1.3. Гуруҳларда ўқув вазифаси бажарилгандан сўнг мавзу «Думалок стол»да муҳокама шаклида ўтказилишини эълон қилади. «Думалок столда» муҳокама қоидалари билан таништиради (1-илова). Гуруҳларда ишлаш қоидабини эслатади.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар</p> <p>Таъриф берадилар</p> <p>Танишадилар</p>
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	<p>2.1. Эта кичик гуруҳларга ихтиёрий ҳолда бўлади. «Думалок столда» муҳокама қилинадиган саволлар ва вазифаларни тарқатади (2-илова).</p> <p>2.2. Вазифаларни бажаришда ҳеч қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варағини тарқатади. (3-илова)</p> <p>2.3. Иш бошланганини эълон қилади</p> <p>2.4. Жамоавий муҳокамани ва гуруҳлар натижасини ўзаро баҳолашни ташкил қилади.</p> <p>2.4. Шархлайди, натижаларни умумлаштиради, хулосаларга диққатни жалб қилади.</p>	<p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар Саволлар билан танишадилар Ишни бошлайдилар Вазифани бажарадилар</p> <p>Гуруҳ сардорлари жамоа фикрини баён қиладилар. Қатнашувчилар қўшимчалар қиладилар Эшитадилар, саволлар берадилар</p>
III. Ўйинни олиб боришга тайёргарлик (10 минут)	<p>3.1. Олиб борилган ишларга яқун ясайди.</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа беради: Инсерт техникасидан (4-илова) фойдаланиб кейинги мавзунинг 1-3 режа саволларини ўқиб келиш. (5-илова)</p>	<p>Эшитадилар ёзиб оладилар</p>

**«Агросаноат мажмуасининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш»
мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси (2-машғулот)**

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Кириш босқичи (15дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.2. Ўтилган мавзунини эсга солиш мақсадида «Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш», «Меҳнат унумдорлиги» тушунчаларига таъриф беришни сўрайди. 1.3. Талабалар билимини жонлантириш мақсадида «Меҳнат унумдорлигини оширишнинг қандай омиллари мавжуд?» ва «Меҳнат унумдорлигини ошириш резервларининг қандай турлари мавжуд?» деб савол беради. Бир нечта жавобларни эшитиб, машғулотда ишлаш тартиби ва регламенти (6-илова), баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (7-илова) билан таништиради.	Тинглайдилар Таъриф берадилар Жавоб берадилар эштадилар
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Эта кичик гуруҳ ва экспертлар гуруҳини ташкил қилади. Ўйин жараёни билан таништиради.(8-илова) 2.2.Вазифаларни тарқатади. (9-илова) ва гуруҳларда иш бошланганлигини эълон қилади. Зарур бўлганда маслаҳатлар беради. 2.3. Гуруҳлар раҳбарларининг муҳокамасини ва энг яхши вариантни танлашни ҳамда ўзаро баҳолашни ташкил қилади. 2.4. Шархлайди, натижаларни умумлаштиради, хулосаларга диққатни жалб қилади.	Кичик гуруҳларга бўлинадилар Ишни бошлайдилар Муҳокама қиладилар, баҳолайдилар Эштадилар
III. Ўйинни олиб боришга тайёргарлик (10 минут)	3.1. Олиб борилган ишларга яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш сифатида кейинги мавзунини Инсерт техникасида ўқиш вазифасини беради	Эштадилар Эштадилар, аниклик киритадилар

1-илова (10.2)

«Думалоқ столда» муҳокамани ўтказиш қоидалари

- 1.Нутқ сўзловчининг фикрини бўлмасдан, диққат билан эшит.
- 2.Унинг нуқтаи-назари билан норози бўлсанг, ўз фикрингни билдиришга рухсат сўра.
- 3.Агар у билан рози бўлсанг, кўрилаётган саволга қўшимча киритишни таклиф қил.
2-илова.(10.2.)

«Думалоқ столда» муҳокама учун саволлар

- 1.Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари бугунги кунда қандай тақсимланган?
- 2.Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари қандай?
- 3.Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишнинг қандай йўлларини биласиз?
- 4.Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг оптимал йўлларини айтинг.

3-илова.(10.2.)

Натижаларни баҳолаш варағи

Индивидуал баҳо эссе баҳоси (1балл) ва гуруҳ ишининг баҳоси (2балл) йиғиндисига тенг. Дарсадаги максимал баҳо-3балл. 2,2-3балл – «аъло», 1,2-2балл – «яхши», 0,5-1,1балл – «қониқарли», 0-0,5балл «қониқарсиз».

Савол ва гуруҳ рақами	Тўғри жавоб	Бошқаларга савол	Қўшимчалар	Кўрғазмалилик (чизма, жадвал ва х.э)	Баллар йиғиндиси
1	(1 балл)	(0,2 балл)	(0,2 балл)	(0,6 балл)	(2 балл)
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					

4-илова.(10.2.)

Инсерт техникаси билан ишлаш қоидалари

Матнни ўқинг.

Матн четида қалам билан белгилар қўйиб олинган ахборотни тизимлаштириг:

V- ... ҳақидаги билимларимга тўғри келади

–(минус) - ... ҳақидаги билимларимга зид.

+ (плюс) - янги информация

? –тушунарсиз, аниқлик, қўшимча киритиш лозим бўлган информация.

5-илова (10.2.)

Ўтилган мавзу бўйича тўлиқ такрорлаб келиш

1-машғулот

- 1.Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари тушунчаси, унинг моҳияти.
- 2.Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари таркиби.
- 3.Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари.
- 4.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.

2- машғулот

- 1.Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблаш.
- 2.Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини оширишни йўналишлари.
- 3.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.

Таянч ибора ва тушунчалар

1.	Меҳнат ресурслари	16.	Агросаноат мажмуаси таркиби
2.	Меҳнатни қуролланиш даражаси	17.	Агросаноат мажмуасининг соҳалари
3.	Миграция	18.	Инфратузилма
4.	Меҳнат унумдорлиги	19.	Ишлаб чиқариш инфратузилмаси
5.	Ишбилармонлик	20.	Ижтимоий инфратузилмаси
6.	Ер ва сув фонди	21.	Иқтисодий қонунлар
7.	Механизациялаштириш	22.	Иқтисодий муҳит
8.	Химиялаштириш	23.	Худуд иқтисодиёти
9.	Автоматлаштириш	24.	Тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши
10.	Баҳолар паритети	25.	Ижтимоий масалалар
11.	Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш	26.	Аҳоли турмуш даражаси
12.	Махсулот сифати	27.	Иқтисодий самара
13.	Агросаноат интеграцияси	28.	Ижтимоий самара
14.	Аграр сиёсат	29.	Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш
15.	Агросаноат мажмуаси	30.	Барқарор иқтисодий ривожланиш

6-илова (10.2)

Вазифани бажариш кетма-кетлиги ва регламенти

1. Вазифа билан танишиш ва муҳокама қилиш –10 минут.
2. Презентация варағини тайёрлаш- 5 минут.
3. Презентация қилиш –5 минут.
4. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентациялари вақтида уларни баҳолаш.
5. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

7-илова (10.2)

Баҳолаш кўрсаткичлари меъзонлари

Г	Баҳолаш кўрсаткичлари меъзонлари			
	1-вазифа.Ҳисоб-китобларни туғрилиги	2-вазифа вариантларни асослаш	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги	Жами баллар
	0,5 балл	0,3балл	0,2балл	1балл
1	-			
2		-		
3			-	

ЎҚУВ ЎЙИН ЖАРАЁНИ

1. Талабалар 4 та кичик гуруҳга бўлинадилар.
2. 3та гуруҳ ўз раҳбарларини сайлайди ва берилган вазифаларни бажарадилар.
3. 1 та гуруҳ эксперт комиссияси вазифасини бажаради ва гуруҳларда олиб борилган ҳисоб-китобларни текширади, гуруҳлар фаолиятини баҳолайди.
4. Ҳар бир гуруҳга вазифалар тарқатилади.
5. Гуруҳлар ўзларининг вариантлари бўйича масалани ечимини ҳисоблайдилар.
6. Ечим натижаси бўйича таклиф этилаётган вариант гуруҳ раҳбарлари томонидан муҳокама қилинади, бунда раҳбарлар ўз таклифларини асослайди ва ҳимоя қиладилар.
7. Раҳбарларнинг очиқ муҳокамаси якунида чоралар жорий қилинадиган йилда талабдаги МУ ўсишини ва кейинги йилларда энг юқори самарадорликни таъминлайдиган энг яхши вариант танланади.
8. Ўқитувчи талабалар билан биргаликда муҳокамаларга яқун ясайди, экспертлар гуруҳи энг фаол қатнашган гуруҳни аниқлайди. Гуруҳ фаолияти баҳоланади.

9-илова (10.2)

Бошланғич маълумотлар ва вазифа.

Корхонанинг жорий йилдаги товар маҳсулоти ҳажми 16780 минг сўмни, ишловчилар сони 1780 киши, режалаштирилаётган фойда барсча товар маҳсулоти қийматининг 6%ни, шартли-доимий харажатлар салмоғи маҳсулот таннархининг 25%ни ташкил қилади.

МУ қўйидаги ички резервлар ҳисобига ошиши мумкин:

- мехнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилаш ҳисобига 1,2% (капитал эмас, балки жорий харажатларни ошиши билан йилига 4 минг сўм);
- рақобатни ривожлантириш, ишчилар малакасини ошириш, рағбатлантирувчи тизимлар таъсирини ошириш ҳисобига – 0,8% (қўшимча харажатларсиз);
- мехнатни санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш ҳисобига –2% (бирваракай харажатларни ошириш йилига –6,5 минг сўм);

Цехларни реконструкцияси ва ускуналарни модернизация қилиш ҳисобига МУ 8% ошиши мумкин. Бу 1470 минг сўмлик капитал харажатни (бирваракай), ундан ташқари йил давомида 22 иш кунига тўхтатишни (1 йилда 262 иш кун) талаб қилади.

Барча ускуналарни янгисига алмаштириш ва технологияга ўзгартиришлар киритиш МУни 22% ошириш имконини беради, лекин бу 5 млн.сўм капитал харажатни талаб ва корхонани 6 ойга тўхтатиб қўйишни талаб қилади.

Чоралар жорий қилинган йилда МУги ўсиши 12% ни таъминлайдиган вариантни ва жорий қилинаётган барча чораларни ижобий иқтисодий самарадорлигини ҳисобланг.

Вазифалар.

1-гуруҳ. Капитал харажатларсиз МУни ички резервлар ҳисобига ошириш чораларининг самарадорлигини ҳисобланг.

2-гуруҳ. Корхонани реконструкция ва модернизация ҳисобига МУни ўсиши ва кутилаётган самарадорликни ҳисобланг. Бунда 1-вариантнинг МУни ошиши омилларини ҳисобга олиш керак.

3-гуруҳ. Барча ускуналарни янгилаш ва технологияларни ўзгартириш ҳисобига МУ ўсиши ва кутилаётган самарадорликни ҳисобланг. Бунда 1-вариантнинг МУни ошиши омилларини ҳисобга олиш керак.

11–мавзу	АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ
----------	--

10.1. МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулотининг шакли	Мавзуий – кўргазмали маъруза (1-машғулот)
Мавзу режаси	<p>1.Агросаноат мажмуасининг моддий-техника ресурслари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.</p> <p>2.Асосий фондлар ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш.</p> <p>3.Айланма маблағлар ва уларнинг самарадорлиги.</p> <p>4.Асосий фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.</p>
<p><i>Машғулотнинг мақсади:</i> Агросаноат мажмуасининг моддий-техника ресурслари тушунчаси, унинг моҳияти, асосий фондлар ва уларни фойдаланиш кўрсаткичлари, айланма маблағлар ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ҳақидаги билим ва кўрикмаларни чуқурлаштириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Моддий-техника ресурслари ҳақида тўлиқ маълумот бериш; • Асосий фондлар ҳақида тушунча бериш; • Асосий фондлар самарадорлигини оширишда мавжуд бўлган назарий муаммоларини ёритиш; • Айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш йўллари ҳақида ахборот бериш; • Асосий фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ошириш йўллари таъкидлаб ўтиш. 	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Моддий-техника ресурслари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш; • Асосий фондлар ҳақида тушунчага эга бўлиш; • Асосий фондлар самарадорлигини оширишда мавжуд бўлган назарий муаммоларини ёрита олиш ва уларнинг ечимларини топа билиш; • Айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш йўллари ҳақида ахборотга эга бўлиш; • Асосий фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ошириш йўллари ҳақида билиб олиш.
Таълим методлари	Маъруза, савол-жавоб, сухбат, ўзаро ўқитиш методи, кластер, инсерт техникалари
Таълим воситалари	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, чизмалар, органайзерлар, асосий маълумот ва таянч тушунчалардан иборат маъруза матнлари
Таълим шакли	
Ўқитиш шакли	

	аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

**«Агросаноат мажмуасининг моддий-техника ресурслари» мавзуси бўйича
маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш (10 минут)	<p>1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, маъруза режаси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади. Талабаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова).</p> <p>1.2. ЗХУ жадвалини экранга чиқаради ва у билан ишлашни шархлайди (2-илова). Жадвални дафтарларга кўчириб чизишни ва 2 устунини тўлатиш вазифасини беради.</p> <p>1.3. Уйда ўқиш вақтида матнни четига килинган белгилар ёрдамида қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Нимани улар билиб олдилар? • Нимани тушунмадилар? • Яна қандай қўшимча ахборот керак? <p>Жавоблардан келиб чиққан холда жадвалнинг 3 ва 4 устунларини таянч ибораларининг номерини қўйиб тўлатишни айтади. (3-илова)</p>	<p>Тинглайдилар, ёзадилар. ЗХУ жадвалини чизишади, 2 устунга маъруза режаси саволларини ёзадилар</p> <p>Жавоб берадилар,</p> <p>Жадвалнинг 3 ва 4 устунларини тўлдирдилар</p>
2-босқич. Асосий бўлим (65 минут)	<p>2.1.Талабаларни ихтиёрий холда 3та кичик гуруҳларга бўлади ва вазифа беради:</p> <p>а) Гуруҳ номерига мос холда мавзу фрагменти бўйича ЗХУ жадвалининг 4-устунидаги информацияни индивидуал таҳлил қилиш: 1-гуруҳ 1-саволни; 2-гуруҳ 2-саволни; 3- гуруҳ 3-саволни.</p> <p>б) Қийинчилик туғдирган тушунчаларни умумлаштириш;</p> <p>в) Мавжуд ҳар қандай манбалардан фойдаланиб, жавобларни биргаликда тайёрлаш;</p> <p>г) Иш натижаларини презентацияга тайёрлаш – мавзунинг ушбу саволи бўйича презентация қоғозида жавобларни ЗХУ жадвалида расмийлаштириш.</p> <p>Гуруҳларда иш бошланганини эълон қилади.</p> <p>2.2. Презентация ва муҳокама жараёнини ташкил қилади.</p> <p>2.3. Жавобсиз қолган саволларни ёритиб беради</p> <p>2.4.ҳар бир савол якунида:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ўзлаштириш даражасини аниқлаш 	<p>Гуруҳларда ишлайдилар:</p> <p>-ҳар бир гуруҳ аъзоси ўз жадвалининг 4 устунини-даги таянч ибораларни ўқийди;</p> <p>-гуруҳ сардори 4 устун саволларини тузишни ташкиллаштиради;</p> <p>-коллектив равишда муҳокама қиладилар, жавобларни топадилар ва ЗХУ нинг 5-устунига ёзадилар;</p> <p>-жавобларни презентация қоғозига ёзадилар</p> <p>-гуруҳ сардорлари ЗХУ жадвали</p>

	<p>максадида «Нимани билиб олдик?» деб савол беради.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Блиц –сўров ўтказади. <p>2.5. Ўқув фаолият натижаларини умумлаштиради, ЗХУ индивидуал жадвалининг 5 устунини тўлатишни таклиф қилади</p>	<p>тўлатилган қоғозни доскага ёпиштириб саволлари бўйиша шархлайдилар; саволларга жавоб бера-дилар, фикрларини асослайдилар; Эшитадилар Жавоб берадилар</p> <p>ЗХУ нинг 5 устунини тўлатадилар</p>
<p>3-босқич. Яқунловчи (10 минут)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади. 3.2. Талабалар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади 3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун ўз-ўзини синаш саволларига оғзаки жавоб бериш вазифасини беради. (4-илова)</p>	<p>Эшитадилар</p> <p>Саволлар берадилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p>

1-илова (11.1.)

Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонлари

Гуруҳлар	Жавобнинг тўлалиги (1,0)	Тақдимотнинг кўرғазмаллиги и (0,5)	Гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5)	Балларнинг умумий ҳажми	Баҳоси
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					
3-гуруҳ					

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг тақдимотини белгиланган кўрсаткич ва мезонлар асосида баҳолайди. Гуруҳга қўйилган баҳо – гуруҳдаги ҳар бир талабанинг баҳоси ҳисобланади.

- 1,5 – 2 балл - «аъло»
- 1,0 – 1,4 балл - «яхши»
- 0,5 – 0,9 балл - «кониқарли»
- 0 - 0,4 балл - «кониқарсиз»

2-илова (11.1.)

З Х У техникасини қўллаб ишлаш қоидалари

- 1.Матнни Инсерт техникасидан фойдаланиб ўқинг.
- 2.Олинган маълумотларни индивидуал равишда тизимлаштиринг – матнда қилинган белгилар асосида жадвалга жойлаштиринг.

3 X У Жадвали (Биламан, билишни хохлайман, билиб олдим.)

№	Мавзу саволи	биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1				
2				
3				

3-илова(11.1)


Таянч иборалар

1.	Мехнат ресурслари	16.	Агросаноат мажмуаси таркиби
2.	Мехнатни қуролланиш даражаси	17.	Агросаноат мажмуасининг сохалари
3.	Миграция	18.	Инфратузилма
4.	Мехнат унумдорлиги	19.	Ишлаб чиқариш инфратузилмаси
5.	Ишбилармонлик	20.	Ижтимоий инфратузилмаси
6.	Ер ва сув фонди	21.	Иқтисодий қонунлар
7.	Механизациялаштириш	22.	Иқтисодий муҳит
8.	Химиялаштириш	23.	Худуд иқтисодиёти
9.	Автоматлаштириш	24.	Тармоқларнинг мутаносиб ривожланиши
10.	Баҳолар паритети	25.	Ижтимоий масалалар
11.	Агросаноат мажмуасига қирувчи тармоқларни мутаносиб ривожлантириш	26.	Аҳоли турмуш даражаси
12.	Маҳсулот сифати	27.	Иқтисодий самара
13.	Агросаноат интеграцияси	28.	Ижтимоий самара
14.	Аграр сиёсат	29.	Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш
15.	Агросаноат мажмуаси	30.	Барқарор иқтисодий ривожланиш

4-илова(11.1)

Ўз-ўзини синаш учун саволлар

1. Ресурс тушунчасига таъриф беринг.
2. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурсларига нималарни киритиш мумкин?
3. Асосий фондлар деганда нимани тушунаси?
4. Қишлоқ хўжалигида асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари бугунги кунда қандай?
5. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида сўзлаб беринг.
6. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг таркибига нималар қиради?



1. Ер – қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасидир.
2. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси табиат конунларига бошка тармоқларникига нисбатан кўпроқ боғлиқ.
3. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги билан боғлиқ.
4. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг катта қисмини тирик организмлар (чорва моллари, кўп йиллик мевали боғлар, узумзорлар ва бошкалар) ташкил этади. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнида биологик қонуниятларни ҳам ҳисобга олишни талаб этади. Акс ҳолда натижа паст бўлиши мумкин.
<ul style="list-style-type: none"> • Маркетинг тушунчасини ёритиш; • Қишлоқ хўжалигида мавжуд маркетинг функциялари ҳақида ахборот бериш; • Агромаркетинг тушунчасига тўхталиб ўтиш, уни ташкил этиш йўлларини тушунтириш; • Қишлоқ хўжалиги маркетинг стратегиясини тузиш ҳақида маълумот бериш; • Агромаркетинг қарорларининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига баҳо бериш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Маркетинг тушунчасини ҳақида маълумотга эга бўлиш, маркетинг ўқув курсида ўтилганларни ёдга олиш; • Қишлоқ хўжалигида мавжуд маркетинг функциялари ҳақида ахборотга эга бўлиш; • Агромаркетинг тушунчаси, уни ташкил этиш йўлларини тушуниб олиш; • Қишлоқ хўжалиги маркетинг стратегиясини тузиш ҳақида ахборотга эга бўлиш; • Агромаркетинг қарорларининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига баҳо бериш.
<i>Таълим методлари</i>	Амалий, суҳбат, тезкор-сўров
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, компьютер технологиялари, ўқув материаллари
<i>Таълим шакллари</i>	Жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш.

<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

«Қишлоқ хўжалиги маркетинги тушунчаси, унинг моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари» мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси (1-машғулот)

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талабалар</i>
I. Кириш босқичи (15дақиқа)	1.1. Машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.2. Мавзунинг таянч иборалари бўйича блиц-сўров ўтказади (1-илова). Бир нечта жавобларни эшитиб иш мини-гуруҳларда боришини эълон қилади. 1.3. Мавзу бўйича категориал обзор ўтказишни ва категориал жадвал тузишни айтади. Категориал обзор ўтказишнинг қоидаларини экранга чиқаради. (2-илова)	Тинглайдилар Жавоб берадилар, эштадилар Танишадилар
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. 3 та кичик гуруҳларга ихтиёрий холда бўлади. Вазифаларни беради: (1) Берилган мавзу бўйича категориал обзор ўтказиш (3-илова). (2) Иш натижалари бўйича презентацияга тайёрланиш – жавобларни презентация қоғозига категориал жадвал кўринишида расмийлаштириш. (3) Берилган мавзу бўйича хулосаларни умумлаштириш. Ишни баҳолаш кўрсаткичлари ва меъзонларини эълон қилади (4-илова) 2.2. Гуруҳларда иш бошланганлигини эълон қилади. 2.3. Презентация ўтказишни ва гуруҳлар натижасини ўзаро баҳолашни ташкил қилади. 2.4. Шархлайди, натижаларни умумлаштиради, хулосаларга диққатни жалб қилади.	Кичик гуруҳларга бўлинадилар Танишадилар Ишни бошлайдилар Презентация қиладилар Ўзаро баҳолайдилар Эштадилар
III. Ўйинни олиб боришга тайёргарлик (10 минут)	3.1. Олиб борилган ишларга яқун ясайди. 3.2. Мустақил ишлаш учун “Бозор муносабатлари шароитида АСМ тармоқлари маркетингни ривожлантириш” мавзусида эссе ёзиш вазифасини бередди.	Эштадилар Ёзиб оладилар

«Қишлоқ хўжалиги маркетинги тушунчаси, унинг моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари» мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси (2-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Кириш босқичи (15дақиқа)	<p>1.1.Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эслатади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди.</p> <p>1.2.Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонларини эълон қилади.</p> <p>1.3.Машғулот охирида тест ўтказилишини айтади.</p>	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	<p>2.1.Талабаларни билимларини фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб техникасини қўллаб, куйидаги саволларни беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Маркетинг деганда нимани тушунасиз? - Маркетингнинг АСМ тармоқлари соҳасини ривожлантиришдаги ролини айтинг. -Агромаркетингни функциялари нималарни ўз ичига олади? - Қишлоқ хўжалиги маркетинги стратегиясини тузиш қандай амалга оширилади? <p>Билимларни фаоллаштириш жараёнида, амалий ишлаш фаолиятида фаол иштирок этиш учун талабалар эгаллаган билимларнинг етарлилигини аниқлайди.</p> <p>2.2. Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда вазифани бажаришни таклиф қилади.</p> <p>Топшириқларни таркатади (5-илова).</p> <p>Топшириқни бажариш йўлини тушунтиради.</p> <p>Гуруҳларда фаолиятни ташкиллаштиришга ёрдам беради. Гуруҳлар ишини кузатади, уларга йўл-йўриқ кўрсатади, маслаҳатлар беради.</p> <p>2.3. Такдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Учта гуруҳга бўлина-дилар.</p> <p>Фаолиятни бошлайдилар.</p> <p>Фикр алмашади, мулоҳаза юритади.</p> <p>Топшириқ тасвирланган таркатма материални биргалиқда тўлдира-дилар.</p> <p>Такдимотга тайёрлайдилар.</p> <p>Тайёр ишларини дос-кага иладилар. Хар бир гуруҳдан бита-дан иштирокчи чиқиб ўз ишини такдим этади.</p> <p>Жавобларини асослайди.</p> <p>Берилган саволларга жавоб берадилар.</p>
III. Ўйинни олиб боришга тайёргарлик (10 минут)	<p>3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, яқун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади.</p> <p>3.2. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади.</p> <p>3.3.Тест варақларини таркатади.</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Тест варақларига исми, фамилияси ва гуруҳини ёзади. Тестларни ечиб, топширадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

	3.4. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (6-илова); (2) Савол бўйича Т-схемани тўлдириш (7-илова).	
--	--	--

1-илова (15.2.)

Таянч иборалар

Маркетинг, сигмент, эластиклик, стратегик режалаштириш, агросаноат интеграцияси, аграр сиёсат, агросаноат мажмуаси, иқтисодиёт, агросаноат мажмуаси таркиби, агросаноат мажмуасининг соҳалари, инфратузилма, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий самара, ижтимоий самара, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини фонд, фонда қайтими, билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, хусусий тадбиркорлик, импорт, экспорт.

2-илова (15.2.)

Категориал обзор ўтказиш қоидалари

1. Гуруҳда мавзу бўйича ақлий ҳужум ўтказинг ва барча фикрларни ёзиб олинг.
2. Олинган маълумотларни қандайдир белгилар бўйича бирлаштирадиган ғоя ёки категорияларни топинг.
3. Категорияларниқоғоз варағида ёзинг ва ақлий ҳужум вақтида олинган маълумотларни мос категориялар бўйича тақсимланг.
4. Тақсимлаш вақтида баъзи категорияларни номини ўзгартириш ёки янгиларини қўшиш мумкин.
5. Категориялар жадвал тузинг.

Мавзу: турлари / хусусиятлари / сифатлари			
1-чи	2-чи	3-чи	п-чи

3-илова (15.2.)

Категориал обзор ўтказиш учун мавзулар

- 1.Маркетингни иқтисодий муносабатлардаги роли.
- 2.Сотишни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг тарихий босқичлари.
- 3.Мамлакатимиз иқтисодий тизимида маркетингин роли, ўрни ва аҳамияти.
- 4.АСМ тармоқларида маркетингни ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.

4-илова (15.2)

Гуруҳлар ишини баҳолаш кўрсаткичлари ва меъзонлари

Семинарда талаба олиши мумкин бўлган максимал балл – 2балл. 1,5-2балл – «аъло», 1-1,5балл – «яхши», 0,5-1балл – «қониқарли», 0-0,5балл «қониқарсиз».

Гуруҳ	баҳолаш кўрсаткичлари ва меъзонлари			
	Жадвал тўғри тузилган	Аниқ жавоб	Хулоса келтирилган	Жами баллар
	0,8	0,6	0,6	2,0
1				
2				
3				

5-илова (15.2)


Ўқув топшириқлари

«Каскад» техникаси

Ушбу технология ғоялар тизимини ишлаб чиқишга кўмак беради: Асосий мақсади: аниқ ва ижодий фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш.


1-топшириқ

Савол юзасидан фикрларингизни билдиринг ва фикрларингизни асосланг.




2-топшириқ

Савол юзасидан фикрларингизни билдиринг ва фикрларингизни асосланг.



3-топшириқ

Савол юзасидан фикрларингизни билдиринг ва фикрларингизни асосланг.



6-илова (15.2)

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. “Маркетинг” тушинчаси нимани англатади?
2. Маркетингнинг моҳияти нимада?
3. Бозор сигментлари сифатни бошқариш тизими.
4. Стандартлар ва стандартлаштириш тартиби.
5. Маҳсулотни сотиш каналлари.
6. Фьючерс ва опцион ҳамда биржа битимлари.
7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори.
8. Қишлоқ хўжалиги маркетинги самарадорлиги нималарга боғлиқ?
9. Қишлоқ хўжалиги маркетинги функциялари нималардан иборат?
10. Қишлоқ хўжалиги маркетинги стратегияси қандай тузилади?

7-илова (15.2)

<i>T-схема. Агротаркетинг қарорларининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ривожлантириш .</i>	
<i>Қониқарли шарт-шароитлар</i>	<i>Қониқарсиз шарт-шароитлар</i>

16–мавзу	АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШ
----------	--

16.1. МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Ўқув соати:</i> 2 соат	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Мавзуий – кўргазмали маъруза (1-машғулот) Кўргазмали маъруза (2-машғулот)
<i>Мавзу режаси</i>	1-маъруза 1.Агросаноат мажмуаси тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб-қувватлашнинг моҳияти ва зарурати. 2.Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва кўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари. 3.Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва кўллаб-қувватлашни амалга ошириш шакллари ва усуллари. 4.Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсати ва уни такомиллаштириш йўналишлари. 5.Қишлоқ хўжалиги корхонасини бошқаришда қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиш.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> АСМ тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб қувватлашнинг зарурати, асосий вазифалари, амалга оширилиш шакллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсати, қишлоқ хўжалиги корхонасини бошқаришда қабул қилинган қарорлар ҳақида тушунча бериш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> • АСМ тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб – қувватлашнинг моҳияти ва заруратини тушунтириш; • Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва кўллаб-қувватлашдаги асосий вазифаларини санаб ўтиш; • Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва кўллаб-қувватлашни амалга ошириш шакллари ва усуллари ҳақида ахборот бериш; • Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсати ва уни такомиллаштириш йўналишлари ҳақида ахборот бериш. 	<ul style="list-style-type: none"> • АСМ тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва кўллаб – қувватлашнинг моҳияти ва заруратини тушунтириш; • Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва кўллаб-қувватлашдаги асосий вазифаларини санаб ўтиш; • Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва кўллаб-қувватлашни амалга ошириш шакллари ва усуллари ҳақида ахборот бериш.

<p>бериш;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Республикас аграр соха ва уни ривожлантириш бўйича қарор ва меъерий ҳужжатлар мазмуни ҳақида фикр алмашиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Республикас аграр соха ва уни ривожлантириш бўйича қарор ва меъерий ҳужжатлар мазмуни ҳақида фикр алмашиш.
<i>Таълим методлари</i>	Маъруза, савол-жавоб, сухбат, ўзаро ўқитиш методи, кластер, инсерт техникалари
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, чизмали органайзерлар, асосий маълумот ва таянч тушунчалардан иборат маъруза матнлари (тарқатма материал).
<i>Таълим шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

«Агросаноат мажмуаси тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш» мавзуси бўйича маъруза машғулотивнинг технологик харитаси (1-машғулот)

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талабалар</i>
I. Кириш босқичи (10дақиқа)	<p>1.1.Мавзунинг номи, максоди, кутилажак натижаларини эълон қилади.</p> <p>1.2. Ўқув машғулотивнинг шакли ва баҳолаш мезонларини тушунтиради (1-илова).</p> <p>1.3. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади (ҳар бир талабага).</p> <p>1.4. Мавзунинг режаси ва асосий тушунчаларини эшиттиради ва қисқача изоҳ беради.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Мавзу номини ва режасини ёзиб оладилар.</p>
II. Асосий босқич (60 минут)	<p>2.1. Берилган саволарга ўйлаб жавоб беришларини таклиф қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Иқтисодиётга нима учун давлат аралашиб тургани маъқул? • Қишлоқ хўжалигини тартибга солишва қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли қандай? • Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг зарурати нимада? <p>Тезкор сўров ўтказди. Сўров ўтказиш жараёнида талабаларни йўналтиради, жавобларни аниқлаштириб тўлдирди.</p> <p>2.2. Талабаларни тўртта кичик гуруҳларга бўлади. Ҳар бир гуруҳ ўтилатган мавзунинг бир режадаги саволи бўйича «эксперт» бўлиб, ўзгаларга ҳам ўргатишини</p>	<p>Саволларни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради.</p> <p>Гуруҳларни фаолият ни ташкил қиладилар. Матнларини ўқиб,</p>

	<p>тушунтиради.</p> <p>2.3. Гуруҳларга эксперт варақларини таркатади ва фаолиятларини ташкил қилади (2-илова).</p> <p>2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изох беради ва тузатишлар киритади.</p> <p>2.5. Тақдимот якунида талабалар диққатининг мавзунинг асосий томонларига қаратиб, ҳар бита масала бўйича қисқача хулосалар қилади.</p>	<p>саволларга жавоб топадилар.</p> <p>Маълумотни муҳокама қилиб, фикр алмашиб, сис-темалаштирадилар.</p> <p>Тайёр маълумотни тақдим этиш учун чизмали организер-лар ишлаб чиқади.</p> <p>Гуруҳ сардорлари тайёр маълумотларни тақдим этадилар. Бошқа гуруҳ аъзоларининг берган саволларига жавоб беради.</p>
<p>III. Якуний босқич (10 минут)</p>	<p>3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди.</p> <p>3.2. Гуруҳларга ўзаро қўйган баҳоларини эълон қилишни таклиф қилади. Натижаларни шарҳлайди.</p> <p>3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова); (2) қўшимча адабиётлардан мавзуга тегишли бўлган янги маълумотларни тўплаш.</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

«Агросаноат мажмуаси тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш» мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси (2-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
<p>I. Кириш босқичи (10 дақиқа)</p>	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эълон қилади.</p> <p>1.2. Асосий маълумот ва таянч тушунчалардан иборат маъруза матнларини таркатади.</p> <p>1.3. Маърузани ўтказиш шаклини тушунтиради ва баҳолаш мезонларини эълон қилади.</p>	<p>Тинглайдилар.</p>
<p>II. Асосий босқич (60 минут)</p>	<p>2.1. Вазифани эслатади: Инсерт техникасини қўллаган ҳолда маъруза матнини ўқиб ўрганиб чиқиш, берилган ҳар бир маълумот тўғрисида маълум белгиларни қўйиб чиқишни таклиф қилади (4-илова).</p> <p>2.2. Маълумотни ўрганиб чиққандан сўнг қуйидаги саволга жавоб беришларини таклиф қилади:</p>	<p>Маъруза матнини ўқиб ўрганадилар ва маълум белгиларни қўйиб чиқади.</p> <p>Саволга жавоб бериб, асосий тушунчаларни</p>

	<p>«Маъруза матнини ўрганиб чиқиб, мавзу бўйича қандай янгиликларни билиб олдингиз?». Асосий тушунчаларни ажратадилар.</p> <p>Асосий тушунчаларни санаб чиқишларини сўрайди, доскага ёзиб боради.</p> <p>2.3. Асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади (тезкор-сўров техникаси).</p> <p>2.4. Мавзунинг ўтилган ва ўтиладиган режалари асосида талабалар билан ҳамкорликда кластер ишлаб чиқади (5-илова).</p> <p>2.5. Кластерга асосланган ҳолда мавзуни тўлиқ ёритади.</p> <p>2.6. Талабаларни учта гуруҳларга бўлиб, вазифалар беради (6-илова). Гуруҳлар ўзаро бир-бирларини баҳолашларини айтиб, баҳолаш мезонлари жадвалини тарқатади (7-илова). Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади.</p> <p>2.7. Тақдимот бошланишини эълон қилади. (тақдимот учун ҳар бир гуруҳга 5 дақиқа вақт беради). Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдирди, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.</p> <p>2.8. Тақдимот якунида талабалар диққатининг мавзунинг асосий томонларига қаратиб, ҳар битта масала бўйича қисқача хулосалар қилади.</p>	<p>ажратадилар. Асосий тушунчаларга таъриф берадилар. Гуруҳлар фаолиятни ташкил қиладилар, вазифани бажаришга киришадилар. Фикр алмашадилар, жавобларни чизмади, схема тарзида тақдим этишга тайёрлайдилар. Гуруҳ сардорлари тайёр маълумотлар-ни тақдим этадилар. Бошқа гуруҳ аъзолари-нинг берган саволларига жавоб беради. Ўзаро бир-бирларини баҳолайдилар.</p>
<p>III. Якуний босқич (10 минут)</p>	<p>3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, якун ясайди.</p> <p>3.2. Ўзаро қўйилган баҳоларни эълон қилади. Ўқув натижаларини изоҳлайди.</p> <p>3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради (8-илова).</p> <p>Кейинги ўтиладиган мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади. Ўқиб, ўрганиб келишларини айтади.</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб олади.</p>

1-илова (16.1)

Мавзуси бўйича маъруза машғулотида талабалар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари.

Маъруза машғулоти рейтинг

1,5 - 2 балл - «аъло»

1,0 – 1,4 балл - «яхши»

0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»

0 – 0,4 балл - «қониқарсиз»

Эксперт гуруҳлар фаолияти натижаларини баҳолаш мезонлари

Кўрсаткичлар	Макс.бал л	Гуруҳ иши натижаларининг баҳоси			
		1	2	3	4
Маълумотнинг тўлалиги	1,0				
Тақдимот (маълумотнинг чизмали тарзда тақдим этилиши)	0,6				
Гуруҳнинг фаоллик даражаси (кўшимчалар киритиш, савол-жавоблар бериш)	0,4				
Балларнинг максимал ҳажми	2				

2-илова (16.1)

Эксперт варағи №1

Агросаноат мажмуаси тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти ва зарурати.

1. АСМ тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти.
2. АСМ тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти.
3. АСМ тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашни амалга ошириш тамойиллари
(Маълумот жадвал /структуравий-мантикий схема /кластер ва хокозаларда тақдим этилади)

Эксперт варағи №2

Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари.

1. Ҳуқуқий тартибга солиш вазифасининг аҳамияти.
2. Барқарорлаштириш вазифасининг мазмуни.
3. Тартибга солиш вазифаси.
(Маълумот жадвал /структуравий-мантикий схема /кластер ва хокозаларда тақдим этилади)

Эксперт варағи №3

Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашни амалга ошириш

1. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб қувватлашни амалга ошириш усуллари.
2. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб қувватлашни амалга ошириш шакллари.
3. Ташкилий институционал мезонга кўра Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб қувватлашни амалга ошириш шаклли ва усули.

(Маълумот жадвал /структуравий-мантикий схема /кластер ва хокозаларда тақдим этилади)

3-илова (16.1)

Ўз-ўзини текшириш ва баҳолаш учун назорат саволлар ва топшириқлари:

1. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти.
2. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг зарурати нимада?
3. Давлатнинг иқтисодий функциялари.
4. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий дастаг ва инструментлари.
5. Дотация нима?
6. Субсидия нима?
7. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазифалари нималардан иборат?
8. Аграр сиёсат нима?
9. Ўзбекистонда аграр сиёсатни такомиллаштириш йўллари нималарга асосланади?
10. Субвенция нима?

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тулдириш қоидаси билан танишадилар.


Инсерт жадвали:


- маълумотларни системалаштиришни (мустақил ўқиш/ маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиришни таъминлайди;
- ўқув маълумотини мустақил ўргангандан сўнг қўлланилади.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;
Матнда қўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:
- ҳақидаги билимларимга жавоб беради;
«-» - ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;
+ - янги маълумотлар
? – тушунарсиз (аниқлаштириш, тўлдиришни талаб қилади) маълумот.

Инсерт жадвали

	+	-	?





Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонлари

Гуруҳлар	Жавобнинг тўлаллиги (1,0)	Тақдимотнинг кўرғазмаллиги и (0,5)	Гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5)	Балларнинг умумий ҳажми	Баҳоси
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					
3-гуруҳ					

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг тақдимотини белгиланган кўрсаткич ва мезонлар асосида баҳолайди. Гуруҳга қўйилган баҳо – гуруҳдаги ҳар бир талабанинг баҳоси ҳисобланади.

1,5 – 2 балл - «аъло»

1,0 – 1,4 балл - «яхши»

0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»

0 - 0,4 балл - «қониқарсиз»

16.2. СЕМИНАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Ўқув соати:</i> 4 соат	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Семинар-тренинг (1-машғулот) Семинар-тренинг (2-машғулот) Билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш (3-машғулот)
<i>Мавзу режаси</i>	<p>1-машғулот</p> <p>1.Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти ва зарурияти.</p> <p>2.Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг зарурияти.</p> <p>3.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2-машғулот</p> <p>1.Қишлоқ хўжалигин давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг моҳияти.</p> <p>2.Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари.</p> <p>3.Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари амалга ошириш шакллари ва усуллари.</p> <p>4.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>5.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлили қилиш.</p>
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> АСМ тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб қувватлашнинг зарурати, асосий вазифалари, амалга оширилиш шакллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсати, қишлоқ хўжалиги корхонасини бошқаришда қабул қилинган қарорлар ҳақида тушунча бериш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • АСМ тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлашнинг моҳияти ва заруратини тушунтириш; • Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифаларина санаб ўтиш; • Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашни амалга ошириш шакллари ва усуллари ҳақида ахборот бериш; • Ўзбекистоннинг аграр сиёсати ва уни такомиллаштиришнинг йўналишлари ҳақида тушунча бериш; 	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • АСМ тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлашнинг моҳияти ва заруратини тушунтириш; • Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифаларина санаб ўтиш; • Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашни амалга ошириш шакллари ва усуллари ҳақида ахборот бериш; • Ўзбекистоннинг аграр сиёсати ва уни такомиллаштиришнинг йўналишлари ҳақида тушунча бериш; • Республикас аграр соҳа ва уни ривожлантириш бўйича қарор ва

• Республикас аграр соҳа ва уни ривожлантириш бўйича қарор ва меъёрий ҳужжатлар мазмуни ҳақида фикр алмашиш.	меъёрий ҳужжатлар мазмуни ҳақида фикр алмашиш.
<i>Таълим методлари</i>	Амалий, суҳбат, тезкор-сўров
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, компьютер технологиялари, ўқув материаллари
<i>Таълим шакллари</i>	Жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

«Агросаноат мажмуаси тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш» мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси (1-машғулот)

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талабалар</i>
Тайёрлов босқичи	Таянч конспектлари, таркатма материаллар, кўргазмали материлларни тайёрлайди. Семинар - тренинг ўтказишнинг икки кунга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқади (1-илова). Дастурни талабаларга олдиндан таркатади. Дастур асосида тайёргарлик кўришларини уқтиради. Аудиторияни тайёрлайди, столларни гуруҳларда ишлашга мос равишда жойлаштиради. Зарур техник воситаларни олиб кириб, жойлаштиради. 2-3 талабага мавзу бўлиб беради ва пухта, кўргазмали материаллар асосида тайёрланиб келишларини уқтиради. Тақдимотларни баҳолаш мезонларини, яъни мавзулар бўйича материалларни тақдим этган талабалар юзасидан анкеталар ишлаб чиқади.	Дастур мазмуни билан танишади. Дастурдаги материалларга тайёрланади.
I. Кириш босқичи (5дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади, режалаштирилган ўқув натижаларини эслатади. 1.2.Семинар-тренинг сифатида ўтказилишини айтади, машғулотнинг ўтказилиш қоидаси, тартиби билан таништиради. 1.3.Дастур бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифаларни эшиттиради. 1.4.Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова). 1.5.Машғулот жараёнида дастурда белгиланган вақтга (регламентга) катъиян	Тинглайдилар.

	риоя қилиш шартлигини уқтиради.	
II. Асосий босқич (65 дақиқа)	<p>2.1.1-талаба чиқади, режанинг биринчи саволига қисқа қилиб, кўргазмали материаллар асосида тушунтиради.</p> <p>2.2.Иккинчи талаба чиқиб режанинг иккинчи саволини қисқа қилиб ёритади.</p> <p>2.3.Учинчи талаба чиқиб режанинг учинчи саволига қисқа жавоб беради.</p> <p>2.4.Кофе-брейк.</p> <p>2.5. Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади ва эксперт варақларини тарқатади (3-илова). Гуруҳлар ишини кузатади, йўл-йўриқ кўрсатади, маслаҳатлар беради.</p> <p>2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Учта гуруҳга бўлина-дилар. Фаолиятда ишни бошлайдилар. Саволларга жавоб излаб топадилар, формат қоғозларига схема ва жадваллар асосида туширади. Тайёр ишларини доскага иладилар. Ҳар бир гуруҳдан биттадан иштирокчи чиқиб ишларини тақдим этади.</p>
III. Яқуний босқич (10 минут)	<p>3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, яқун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади.</p> <p>3.2.Гуруҳлар фаолиятини баҳолайди, баҳоларни эълон қилади.</p> <p>3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (4-илова);</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

«Агросаноат мажмуаси тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш» мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси (2-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Кириш босқичи (15дақиқа)	1.1. Мавзунинг номи, мақсади, режалаштирилган ўқув натижаларини эслатади. 1.2.Семинар-тренинг сифатида ўтказилишини эслатади, машғулотнинг ўтказилиш коидаси, тартиби билан таништиради. 1.3.Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонларини эълон қилади.	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Ўтган мавзуларни такрорлашни ва шу асосда БББ жадвалини тўлдиришни таклиф қилади (5-илова). 2.2.Мавзунинг кейинги режаси асосида талаба маълумот беради. 2.3.Мавзунинг бешинчи саволи бўйича талаба қисқа маълумот беради. 2.4.Мавзунинг олтинчи саволи бўйича талаба чиқади ва маълумот беради. 2.5.Кофе-брейк 2.6.Талабаларни учта кичик гуруҳларга бўлади. Эксперт варақларини таркатади (6-илова). Вазифани қандай бажарилишини тушунтиради. Гуруҳлар ишини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради.	Ўтган кунда ўтилган-ларни такрорлайди ва шу асосда БББ жадвалини тўлдиради. Тинглайдилар. Кофе-брейкка чиқади. Учта гуруҳга бўлина-дилар. Гуруҳларда фаолиятни ташкил қиладилар. Вазифани бажарадилар, тақди-мотга тайёрлайдилар. Тайёр ишларни доскага иладилар. Ҳар бир гуруҳдан биттадан иштирокчи чиқиб, ишларини тақдим қилади. Жавобларини асослайди.
III. Ўйинни олиб боришга тайёргарлик (10 минут)	3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, яқун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2.Гуруҳлар фаолиятини баҳосини эълон қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (7-илова).	Эшитадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

«Агросаноат мажмуаси тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш» мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси (4-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Кириш босқичи (15дақиқа)	<p>1.1.Мавзунинг номи, мақсади, кутилажак натижаларини эслатади.</p> <p>1.2.Машғулотнинг ўтказилиш шакли билан таништиради.</p> <p>1.3.Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради. Гуруҳ олган баҳони, шу гуруҳ иштирокчиларига ҳам қўйилишини айтади.</p> <p>1.4.Машғулот охирида тест ўтказилишини уқтиради.</p>	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (60 дақиқа)	<p>2.1.Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб техникасини қўллаб, куйидаги саволларни беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Мехнат бозори ривожланиш босқичлари ўз ичига қандай босқичларни олади? - Мехнат бозорининг ривожланиши концепциясига яна қандай йўналиш ва тамойилларни қўшиш мумкин? - Аҳоли бандлигини оширишнинг оптимал йўллари айтинг? <p>Берилган жавобларни тўлдиради, хатосини тўғрилайди, қисқа хулоса қилади.</p> <p>2.2. Талабаларни учта кичик гуруҳга бўлади ва аввал индивидуал, сўнгра гуруҳ ичида топшириқ бажаришларини айтади. амалий жараённинг боришини тушунтиради.</p> <p>2.3. Конверт техникасини қўллаб, топшириқлар тарқатади (8-илова). Аввал индивидуал фаолиятини, сўнгра гуруҳ ичидаги фаолиятни ташкил қилади. Тайёр ишларни формат қоғозига схемалар ва жадваллар тарзида тушириш кераклигини уқтиради. Гуруҳлар ишини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради.</p> <p>2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади.Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади.</p>	Саволларга жавоб берадилар. Учта гуруҳга бўлинадилар. Берилган топшириқни аввал индивидуал ўрганиб чиқадилар, жавоб топадилар. Сўнгра гуруҳларда муҳокама қилиб, тайёр маълумотни формат қоғозига схема ва жадваллар тарзида туширадилар. Гуруҳдан биттадан иштирокчи чиқиб, тайёр ишларини тақдим қилади. Бошқа гуруҳ иштирокчилари томонидан берилган саволларга жавоб беради.
III. Ўйинни олиб боришга тайёргарлик (10 минут)	<p>3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, яқун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади.</p> <p>3.2. Гуруҳлар фаолиятини баҳолайди ва амалий</p>	Эшитадилар.

	<p>жараёнда фаол қатнашганликлари учун талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.3. Талабаларга тест варақларини таркатади (9-илова)</p> <p>3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат учун топширик: савол бўйича Т-схемани тўлдириш (10-илова); кейинги мавзуга тайёрланиб келиш.</p>	<p>Тест варағига исми, фамилияси ва гуруҳини ёзади. Тестларни ечиб, топширадилар. Вазифани ёзиб оладилар.</p>
--	--	---

1-илова (16.2)

Семинар-тренинг ўтказиш дастури

Биринчи кун		
Вақти	Фаолият мазмуни	Жавобгар шахс
8.30 – 8.35	Мавзуга кириш	
8.35 – 8.45	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти ва зарурияти.	Талаба
8.45 – 8.55	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг зарурияти.	Талаба
8.55 – 9.05	Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.	Талаба
9.05 – 9.15	Кофе-брейк	
9.15 – 9.30	Гуруҳларда топшириклар бажариш	Ўқитувчи
9.30 – 9.45	Тақдимот	
9.45 – 9.50	Машгулотни якунлаш, баҳоларни эълон қилиш. Мустақил вазифа бериш.	
Иккинчи кун		
8.30 – 8.35	Ўтган кунги материални такрорлаш	Ўқитувчи
8.35 – 8.45	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг моҳияти.	Талаба
8.45 – 8.55	Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари.	Талаба
8.55 – 9.05	Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари амалга ошириш шакллари ва усуллари.	Талаба
9.05 – 9.15	Кофе-брейк	
9.15 – 9.30	Гуруҳларда топшириклар бажариш	
9.30 – 9.45	Тақдимот	
9.45 – 9.50	Мавзуни якунлаш, баҳоларни эълон қилиш. Мустақил вазифа бериш.	

Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари

Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари	1- гуруҳ	2- гуруҳ	3- гуруҳ
Максимал балл – 2			
- савол тўлиқ ёритиб берилди (0,5 балл)			
- жавоблар етарли даражада асослаб берилди (0,5 балл)			
- гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5 балл)			
- берилган саволларга жавоб берди (0,3 балл)			
- регламентга риоя қилди (0,2)			
Жами: (2 балл)			

1,5 – 2 балл - «аъло»

1,0 – 1,4 балл - «яхши»

0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»


0 - 0,4 балл - «қониқарсиз»

Балиқ скелети техникаси


Ушбу технология катта муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида муаммолар тури ёзилса, пастки қисмида эса мисоллар билан изоҳланади.

Ўқув топшириқлари


1-гурух



2-гурух



3-гурух



Назорат саволлари ва топшириқлар:

- 1.Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти.
- 2.Қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг зарурати нимада?
- 3.Давлатнинг иқтисодий функциялари.
- 4.Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий дастаг ва инструментлари.
- 5.Дотация нима?
- 6.Субсидия нима?
- 7.Қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазифалари нималардан иборат?
- 8.Аграр сиёсат нима?
- 9.Ўзбекистонда аграр сиёсатни такомиллаштириш йўллари нималарга асосланади?
- 10.Субвенция нима?

Ўтилган саволлар асосида БББ жадвалини тўлдиринг:

<i>Биламан</i>	<i>Билиб олдим</i>	<i>Билишни хоҳлайман</i>

Эксперт варағи №1***Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаши (айримлари)***

- 1.1.Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг маъмурий усуллари.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати асосида бугунги кунда амалга оширилаётган чора-тадбирлар.

Эксперт варағи №2***Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида мавжуд тамойиллари (айримлари)***

- 2.1.Қишлоқ хўжалигини мақсадли-дастурий тартибга солиш.
- 2.2.Давлатнинг ҳомийлиги доим кафолатланиши.

Эксперт варағи №3
Иқтисодиётни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг
иқтисодий усуллари (айримлари)

- 3.1. Бюджет-солиқ сиёсатининг мазмуни.
- 3.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш.

7-илова (16.1)

Назорат саволлари ва топшириқлар:

- 1. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг маъмурий усуллариға нималарни киритиш мумкин?
- 2. Иқтисодиётни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашда давлат қандай иқтисодий усуллардан фойдаланади?
- 3. Пул-кредит сиёсати деганда нимани тушунасиш?
- 4. Бюджетсолиқ сиёсатининг мазмунини айтиш.
- 5. Қишлоқ хўжалигини тартиб солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида давлат вазифалари қандай тамойилларға таянилиб амалға оширилади? Улар қайсилар?
- 6. Қишлоқ хўжалигини тартибга солишда давлат вазифаларини санаб беринг.

8-илова (16.2)

«Конверт» техникаси учун саволлар
(Ҳар бир савол конвертларға алоҳида солинади)

1. АСМ тармоқларини интенсив ривожлантириш деганда нимани тушунасиш?
1.1. Экстенсив ривожлантириш йўлининг мазмуни нимадан иборат?
1.2. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг зурурати.
1.3. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари.
2. Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсати ҳақида фикрингиз қандай?
2.1. Қишлоқ хўжалигига давлат нималар асосида таъсир кўрсатади?
2.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш табиий муҳити қандай?
2.3. АСМда кадрлар тайёрлаш қандай йўлга қўйилган?
3. Қишлоқ хўжалигида кадрлар малакасини ошириш бугунги кунда қандай ҳолатда?
3.1. Пул-кредит сиёсати қандай амалға оширилади?
3.2. Бюджет-солиқ сиёсати ҳақида нималарни биласиз?
3.3. Қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллашдаги асосий вазифалар нималардан иборат?

Тест саволлари (ўқитувчининг варианты)**1.АСМ қархоналарини тармоқлари нималардан иборат**

- А) Асосий ва қушимча тармоқдан
- Б) Қушимча ва асосий тармоқдан
- В) Бутун аҳамиятга эга бўлган тармоқдан
- Г) Асосий, қушимча ва ёрдамчи тармоқдан
- Д) фақат маҳалла аҳамиятига эга бўлган тармоқдан

2.К/х қархоналарида тармоқларни рационал бирга қушиб олиб бориш принциплари нечта ?

- а) 8 та
- б) 6 та
- в) 4 та
- д) 12 та

3.АСМ ни жойлаштириш нималардан иборат ?

- А) Қархоналар амалда қарор топган типлардан
- Б) К/х қарор топган ва рационал типлардан
- В) Қарор топган амалдаги тип, ихтисослаштириш типларидан
- Г) Рационал ишлаб чиқариш типи ва перспектив режалаштириш типларидан
- Д) ишлаб чиқаришни асосий моддий элементлари типи ва амалда қарор топган объектив типлари

4.Ерга бўлган хусусий мулкчилик қандай устунликларга эга ?

- А) ер ва капитал тула узлаштиради
- Б) фан техника янгиликларини жорий этиш
- В) тупрок унумдорлигини ошириш
- Г) мулк субъектини бозор объектларига айлантириш
- Д) ер, капитални узлаштириш, ерни деҳқонни ҳақиқий меҳнаткашга айлантириб, деҳқон фермер хўжалигини келтириб чиқаради

5.Ижара тизими нима ?

- А) ерни сотиш
- Б) ерни унумдорлигини ошириш
- В) Мулк объектлари билан субъектларига нисбатан узлаштириш, эгалик қилиш, бошқариш ва фойдаланиш муносабати
- Г) мулк объектини сотиб олиш
- Д) ерга эгалик қилиш

6.Аграр ишлаб чиқаришнинг таркиби нималардан иборат

- А) фан техника тарақиёти
- Б) тупрок унумдорликни ошириш
- В) тупрок эрозиясига қарши кураш
- Г) ер ва асосий ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш
- Д) ерга бўлган талабни урганиш

17–мавзу	АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА МОЛИЯ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗИМИ
----------	--

17.1. МАЪРУЗАДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Ўқув соати:</i> 2 соат	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Маълумотли - тахлилий маъруза (1-машғулот) Маълумотли кўргазмали маъруза (2-машғулот)
<i>Мавзу режаси</i>	1-маъруза 1.Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг моҳияти ва хусусиятлари. 2.Молия-кредит тизимининг аҳамияти ва агросаноат мажмуаси тармоқларини ривожлантиришдага ўрни. 3.Қишлоқ хўжалигини кредитлаш шакллари ва усуллари. 4.Қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг манбалари. 5.Агросаноат мажмуасида лизинг операциялари. 6.Қишлоқ хўжалигини молия-кредит механизмни такомиллаштириш йўналишлари.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизими, молия-кредит тизимининг аҳамияти, қишлоқ хўжалигини кредитлаш шакллари ва усуллари, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг манбалари, лизинг операциялари ва қишлоқ хўжалиги молия-кредит механизмни такомиллаштириш йўналишлари ҳақида тушунча бериш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> • Агросаноат мажмуасидаги молия-кредит тизими ҳақида тўлиқ маълумот бериш; • Молия-кредит тизимининг аҳамияти ҳақида фикрлар билдириш; • Қишлоқ хўжалигини кредитлаш шакллари ва усуллари ҳақида маълумот бериш; • Қишлоқ хўжалигини молиялашнинг манбалари ҳақида тушунча бериш; • Лизинг операциялари ҳақида фикрларни баён этиш; • Қишлоқ механиз • такомил • йўналиш 	<ul style="list-style-type: none"> • Агросаноат мажмуасидаги молия-кредит тизими ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш; • Молия-кредит тизимининг аҳамияти ҳақида фикрлар юритилади; • Қишлоқ хўжалигини кредитлаш шакллари ва усуллари ҳақида маълумотларга эга бўлинади; • Қишлоқ хўжалигини молиялашнинг манбалари ҳақида тушунча берилади; • Лизинг операциялари ҳақида фикрларни баён қилинади; • Қишлоқ хўжалиги молия-кредит

Таълим методлари	Маъруза, савол-жавоб, сухбат, ўзаро ўқитиш методи, кластер, инсерт техникалари
Таълим воситалари	Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, чизмали органайзерлар, асосий маълумот ва таянч тушунчалардан иборат маъруза матнлари (таркатма материал).
Таълим шакллари	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

«Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг амал қилиш механизми» мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси (1-машғулот)

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
I. Кириш босқичи (10дақиқа)	<p>1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, маъруза режаси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади, баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова).</p> <p>1.2. ЗХУ жадвалини экранга чиқаради ва у билан ишлашни шархлайди (2-илова). Жадвални дафтарларга кўчириб чизишни ва 2 устунини тўлатиш вазифасини беради.</p> <p>1.3. Уйда ўқиш вақтида матнни четига қилинган белгилар ёрдамида қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Нимани улар билиб олдилар? • Нимани тушунмадилар? • Яна қандай қўшимча ахборот керак? <p>Жавоблардан келиб чиққан ҳолда жадвалнинг 3 ва 4 устунларини таянч ибораларининг номерини қўйиб тўлатишни айтади. (3-илова)</p>	<p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>ЗХУ жадвалини чизишади, 2 устунга маъруза режаси саволларини ёзадилар</p> <p>Жавоб берадилар,</p> <p>Жадвалнинг 3 ва 4 устунларини тўлдирадилар</p>
II. Асосий босқич (60 минут)	<p>2.1.Талабаларни ихтиёрий ҳолда 3та кичик гуруҳларга бўлади ва вазифа беради:</p> <p>а) Гуруҳ номерига мос ҳолда мавзу фрагменти бўйича ЗХУ жадвалининг 4-устунидаги информацияни индивидуал таҳлил қилиш: 1-гуруҳ 1-саволни; 2-гуруҳ 2-саволни; 3- гуруҳ 3-саволни.</p> <p>б) Қийинчилик туғдирган тушунчаларни умумлаштириш;</p> <p>в) Мавжуд ҳар қандай манбалардан фойдаланиб, жавобларни биргаликда тайёрлаш;</p> <p>г) Иш натижаларини презентацияга тайёрлаш</p>	<p>Гуруҳларда ишлайдилар:</p> <p>-хар бир гуруҳ аъзоси ўз жадвалининг 4 устуни-даги таянч ибораларни ўқийди;</p> <p>-гуруҳ сардори 4 устун саволларини тузишни ташкиллаштиради;</p> <p>-коллектив</p>

	<p>– мавзунинг ушбу саволи бўйича презентация қоғозида жавобларни ЗХУ жадвалида расмийлаштириш. Гуруҳларда иш бошланганини эълон қилади.</p> <p>2.2. Презентация ва муҳокама жараёнини ташкил қилади.</p> <p>2.3. Жавобсиз қолган саволларни ёритиб беради</p> <p>2.4. хар бир савол якунида: -ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида «Нимани билиб олдик?» деб савол беради. -Блиц –сўров ўтказади.</p> <p>2.5. Ўқув фаолият натижаларини умумлаштиради, ЗХУ индивидул жадвалининг 5 устунини тўлатишни таклиф қилади</p>	<p>равишда муҳокама қиладилар, жавобларни топадилар ва ЗХУ нинг 5-устунига ёзадилар; -жавобларни презентация қоғозига ёзадилар -гуруҳ сардорлари ЗХУ жадвали тўлатилган қоғозни доскага ёпиштириб саволлари бўйиша шархлайдилар; саволларга жавоб берадилар, фикрларини асослайдилар; Эшитадилар Жавоб берадилар</p> <p>ЗХУ нинг 5 устунини тўлатадилар</p>
<p>III. Якуний босқич (10 минут)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.</p> <p>3.2. Талабалар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади</p> <p>3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун ўз-ўзини синаш саволларига оғзаки жавоб бериш вазифасини беради. (4-илова)</p>	<p>Эшитадилар</p> <p>Саволлар берадилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p>

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг тақдимотини белгиланган кўрсаткич ва мезонлар асосида баҳолайди. Гуруҳга қўйилган баҳо – гуруҳдаги ҳар бир талабанинг баҳоси ҳисобланади.

- 1,5 – 2 балл - «аъло»
- 1,0 – 1,4 балл - «яхши»
- 0,5 – 0,9 балл - «қониқарли»
- 0 - 0,4 балл - «қониқарсиз»

2-илова (17.1.)

3 X У техникасини қўллаб ишлаш қоидалари

1. Матнни Инсерт техникасидан фойдаланиб ўқинг.
2. Олинган маълумотларни индивидуал равишда тизимлаштиринг – матнда килинган белгилар асосида жадвалга жойлаштиринг.

3 X У Жадвали (Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим.)

№	Мавзу саволи	биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1				
2				
3				

3-илова(17.1.)

Таянч иборалар

1. Дотация	28. Харажатлар калькуляцияси
2. Лизинг	29. Баҳолар паритети
3. Суғурта	30. Аграсаноат мажмуасига кирувчи ТАРМОҚЛАРНИ мутаносиб
4. Солиқ имтиёзи	ривожлантириш
5. Аванс	31. Маҳсулот сифати
6. Ер солиғи	32. Аграсаноат интеграцияси
7. Мулк солиғи	33. Аграр сиёсат
8. Факторинг	34. Иқтисодий қонунлар
9. Овердрафт	35. Иқтисодий муҳит
10. Молия	36. Худуд иқтисодиёти
11. Кредит	37. Тармоқларнинг мутаносиб
12. Вексел	ривожланиши
13. Клиринг операциялари	38. Ижтимоий масалалар
14. Қимматли қоғозлар	39. Аҳоли турмуш даражаси
15. Банк	40. Иқтисодий самара
16. Микробанк	41. Ижтимоий самара
17. Микрокредит	42. Ишлаб чиқаришни
18. Интенсив ва экстенсив	интенсивлаштириш
ривожланиш	43. барқарор иқтисодий ривожланиш
19. Фан-техника тараққиёти	44. Ишлаб чиқариш жараёнларини
20. Чекланганлик	фонд Билан таъминланиш даражаси
21. Нарх	45. Фонд кайтими
22. Иқтисодий дастаклар	46. Иқтисодий кўрсаткичлар
23. Баҳонинг функциялари	47. Ялпи ички маҳсулот
24. Ишлаб чиқариш харажатлари	48. Хусусий тадбиркорлик
25. Таннарх	49.
26. Экспорт	

27. Импорт	
------------	--

Ўз-ўзини текшириш ва назорат учун саволлар

- 1.Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг моҳияти.
- 2.Агросаноат мажмуаси молия-кредит тизимининг хусусиятлари.
- 3.Кредит тушунчаси ва унинг моҳияти.
- 4.Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тартиби.
- 5.Қишлоқ хўжалигини кредитлашнинг қандай шакллари, усуллари мавжуд?
- 6.Кредитлаш қайси манбалардан амалга оширилади?
- 7.Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлашни қайси йўллар орқали такомиллаштирилади?
- 8.Қишлоқ хўжалигида солиқ сиёсати.
- 9.Микрокредитлашнинг моҳияти ва тартиби.
- 10.Лизинг ва унинг қишлоқ хўжалигида қўланилиши.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1- савол. Молия

Молия:

- товар моддий қийматликларни харид этиш, маҳсулот, иш ва хизматларни реализация қилиш жараёнидаги корхоналар ўртасида;
- марказлашган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан корхоналар билан юқори ташкилотлар ўртасида;
- бюджет тизимида солиқлар тўлаш ва харажатларни молиялаштириш жараёнида корхоналар билан давлат ўртасида;
- тўловларни амалда ошириш ва ресурслар харид этишда корхоналар, уй хўжалиги ва бюджетдан ташқари жамғармалар ўртасида;
- бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари ўртасида;
- суғурта ҳолатлари вужудга келганда зарарларни қоплаш ва суғурта тўловларини амалга оширишда корхоналар, уй хўжалиги ва суғурта органлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини акс эттиради;

2-савол. Четдан жалб қилинадиган қарз маблағлари манбалари

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини молиялаштиришда ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда четдан қарзга маблағ жалб этишга тўғри келади. Четдан жалб этиладиган қарз маблағлари қуйидаги манбалар эвазига бўлиши мумкин:

- 1.Тижорат банкларининг кредитлари;
- 2.Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредитлари;
- 3.Халқаро молия ташкилотларининг маблағлари (тижорат банклари лойиҳалари орқали);
- 4.Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан кредитлар;
- 5.Кредит иттифоқлари ва бошқа кредит берувчи субъектлар кредитлари.

3- савол. Кредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Кредитларни олиш учун қарз олувчилар банкка қуйидаги ҳужжатлар (кредит пакети) ни тақдим этадилар:

кредит буюртмаси;
қарз олувчининг банк ҳисоб варағидаги пул тушумлари тахмини (пул оқими) кўрсатилган бизнес – режаси;
охирги ҳисобот санасига давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланс;
дебиторлик ва кредитторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, 90 кундан ортиқ, муддатдаги қарздорликнинг солиштирма далолатномалари;
молиявий натижалар ҳақида ҳисобот;
таъминот шаклларидадан бирини.

4-савол. Қарз олувчининг банк олдидаги ҳуқуқи

Олинган кредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
учунчи шахснинг кафиллиги;
суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилгани тўғрисидаги суғурта полиси;
фуқаролар йиғинларининг маҳалла, қишлоқ, овул Кенгашлари кафиллиги.

Тест саволлари (ўқитувчининг варианты)

1.АСМ иктисодининг асосий вазифалари нечта ?

- А) 4 та
- Б) 5 та
- В) 6 та
- Г) 7 та
- Д) 10 та

2.Дехқончилик саноат мажмуи таркиби нечта гуруҳдан иборат

- А) 3 та
- Б) 5 та
- В) 8 та
- Г) 10 та
- Д) 4 та

3.Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик зоналари нималардан иборат ?

- а) Текис соҳра, лалмикор, суғориладигандан
- б) яйлов каракулчилик, дончилик, боғдорчилик зоналаридан
- в) суғориладиган, пахта, кора кулчилик, боғдорчилик зоналаридан
- г) шолиторчилик, корамолчилик, сутчилик, пахтачилик, лалминал зоналаридан
- д) текис саҳро, ярим саҳро, яйлов дончилик зоналаридан

4.Колхоз территориял ишлаб чиқариш комплекслари нечта ?

- А) 10 та лалминал ерларда
- Б) 6 та текис саҳро, лалминар ва суғориладиган ерларда
- В) 8 та текис саҳро ва суғориладиган ерларда
- Г) 11 та суғорилмайдиган ерларда
- Д) 9 та ярим саҳро ерларда

5.АСМ да ишлаб чиқариш фондларининг классификацияси нечта?

- А) 6 та ишлаб чиқаришга мулжалланган фонд
- Б) 4 та ишлаб чиқаришга мулжалланмаган фонд
- В) 5 та ишлаб чиқаришга топширилган фондлар
- Г) 3 та ишлаб чиқаришга мулжалланган ишлаб чиқариш фонди
- Д) 2 та уй жой фондлари

6.Муомала фондлари нималардан иборат ?

- А) Асбоб ускуналар, машиналар, инвентарлар
- Б) Омборлардаги, магазиндаги тайёр маҳсулотлар
- В) асосий ва ёрдамчи кархоналарда ишлатиладиган оборот маблағлари
- Г) АСМ даги келгуси давр харажатлари
- Д) кассадаги нақд пуллар

17.2. СЕМИНАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 4 соат	Талабалар сони:
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни мустақамлаш ва чуқурлаштириш (1-2-машғулотлар).
Мавзу режаси	<p>1-машғулот</p> <p>1.Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизимининг моҳияти ва хусусиятлари.</p> <p>2.Қишлоқ хўжалигини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари.</p> <p>3.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2-машғулот</p> <p>1.Қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг манбалари.</p> <p>2.Қишлоқ хўжалигини молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари.</p> <p>3.Мавзу асосида масала ечиш ва таҳлил қилиш.</p>
<p>Машғулотнинг мақсади: Агросаноат мажмуасида молия-кредит тизими, молия-кредит тизимининг аҳамияти, қишлоқ хўжалигини кредитлаш шакллари ва усуллари, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг манбалари, лизинг операциялари ва қишлоқ хўжалиги молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари ҳақида тушунча бериш.</p>	
қишлоқ хўжалиги, мавсумийлик, натижалар, самарадорлик, биологик қонунлар, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, чегараланганлик, табиий омиллар

84. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг аҳамити ва иқтисодиётдаги ўрни.

3-соҳа, тайёрлов қорхоналари, қайта ишлаш, нобудгарчилик, сифат, шартнома, савдо, бозор, биржалар, талаб, таклиф

85. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти ва таркиби.

Интеграция, агросаноат интеграцияси, агросаноат мажмуаси, иқтисодий қонунлар

86. Фан, техника тараққиёти ва қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришнинг иқтисодий моҳияти.

Фан, техника тараққиёти, технология тараққиёти, қишлоқ хўжалиги, селекция, уруғчилик

87. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг даражаси ва самарадорлигини аниқлаш усуллари.

қишлоқ хўжалиги, ер фонди, ер трансформацияси, самарадорлик, ялпи ички маҳсулот, фойда, солиштирма ва бозор нархлари, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик

88. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг таркиби.

3-соҳа, тайёрлов қорхоналари, қайта ишлаш, нобудгарчилик, сифат, шартнома, савдо, бозор, биржалар, талаб, таклиф

89. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари, уларнинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни ва ташкилий – иқтисодий асослари.

Меҳнатни ташкил этиш шакллари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари, Фермер, Фермер хўжалиги, ялпи маҳсулот, меҳнат ресурслари

90. Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари.

Асосий воситалар, асосий фондлар, фондсигими, фондқайтими, асосий фондлар таркиби, самарадорлик, жисмоний ва маънавий эскириш

91. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти.

Интеграция, агросаноат интеграцияси, агросаноат мажмуаси, иқтисодий қонунлар

92. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби, аҳамияти ва иқтисодийдаги ўрни.

Саноат, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, тракторсозлик, комбайн, самарадорлик, интеграция, кооперация

93. Агросаноат мажмуаси меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари.

Меҳнат, меҳнат унумдорлиги, аҳоли таркиби, бандлилик, ишсизлик, самарадорлик, маҳсулот яратиш қобилияти, фан-техника тараққиёти, химиялаштириш, автоматлаштириш, моддий рағбатлантириш, корхона фалсафаси

94. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодийда тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари.

Ялпи ички маҳсулот, қаттиқ ваююта запаслари, меҳнат ресурслари, асосий активлар, мавсумийлик, биологик қонунлар, самарадорлик

95. Қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг манбалари ва улардан самарали фойдаланиш.

Молия тизими, банклар, фойда, кредитлар, кредит уюшмалари, молиялаштириш тамойиллари

96. Маркетинг тушунчаси, унинг моҳияти ва самарадорлиги.

Маркетинг, бозор муносабатлари, маркетинг, сигмет, стратегия, рақобат

97. Агросаноат мажмуасининг таркиби.

Агросаноат мажмуаси, тармоқлар, 4 та сфера, ўзаро боғлиқлик, ягона мақсад, фойда, самара, шартномалар

98. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари.

қишлоқ хўжалиги, мавсумийлик, натижалар, самарадорлик, биологик қонунлар, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, чегараланганлик, табиий омиллар

99. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳанинг аҳамити ва иқтисодийдаги ўрни.

3-соҳа, тайёрлов корхоналари, қайта ишлаш, нобудгарчилик, сифат, шартнома, савдо, бозор, биржалар, талаб, таклиф

100. Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсати ва уни такомиллаштириш йўналишлари.

Иқтисодий сиёсат, аграр сиёсат, давлат буюртмалари, кредит, молия, солиқ тизимлари

101. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари.

Кредит, кредит фоизи, узоқ муддатли кредитлар, қисқа муддатли кредитлар, имтиёзли кредитлар, кредит уюшмалари, венчур кредитлари

102. Агросаноат мажмуаси, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини пасайтириш йўналишлари.

Ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, доимий харажатлар, ўзгарувчан харажатлар, тежамкорлик, маҳсулот миқдори ва сифати, нарх даражаси

103. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти ва таркиби.

Агросаноат мажмуаси, 4 та соҳа, манфаатлар бирлиги, технологик боғлиқлик, халқнинг турмуш даражаси

104. Агросаноат мажмуасининг учинчи соҳаси, унинг таркиби ва ривожлантириш йўналишлари.

3-соҳа: тайёрлов корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи, сотувчи корхоналар

105. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари.

Мехнат, мехнат ресурслари, мехнат баланси, мехнат унумдорлиги, мехнат интевсивлиги

106. Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсати ва уни такомиллаштириш йўналишлари.

Иқтисодий сиёсат, аграр сиёсат, давлат буюртмалари, кредит, молия, солиқ тизимлари

107. Агросаноат мажмуасини ривожланишининг асосий йўналишлари.

Маҳсулот миқдори, ассортимент, сифат, самарадорлик, ўзаро мутаносиблик, ижтимоий масалалар, мехнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи

108. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг аҳамити ва иқтисодиётдаги ўрни.

З-соҳа, тайёрлов корхоналари, қайта ишлаш, нобудгарчилик, сифат, шартнома, савдо, бозор, биржалар, талаб, таклиф

109. Ўзбекистон Республикаси Дехқон хўжаликлари, иқтисодиётдаги ўрни ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари.

Дехқон хўжаликлари, мехнатни ташкил этиш шакли, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли, хўжалик фаолияти, бошқариш, ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик юритиш фаолияти, самарадорлик

110. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Инфратузилма, ижтимоий инфратузилма, таълим, маданий-маиший хизматлар, спорт, дам олиш жойлари, соғлиқни тиклаш муассасалари

111. Мехнат унумдорлиги тушунчаси, моҳияти ва уни ҳисоблаш усуллари.

Мехнат, мехнат унумдорлиги, аҳоли таркиби, бандлилик, ишсизлик, самарадорлик, маҳсулот яратиш қобилияти, фан-техника тараққиёти, химиялаштириш, автоматлаштириш, моддий рағбатлантириш, корхона фалсафаси

112. Қишлоқ хўжалиги маркетингининг стратегиясини тузиш.

Маркетинг, стратегия, бозор, талаб, таклиф, имкониятлар чекланганлиги, сигментлар, маркетинг, самара, рақобат, режа

113. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби ва уни ривожлантириш йўналишлари.

Саноат, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, тракторсозлик, комбайн, самарадорлик, интеграция, кооперация

114. Қишлоқ хўжалиги ер фондларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари.

Ер фонди, унумдорлик, самарадорлик, ҳосилдорлик, ялпи маҳсулот, фойда, шарт ер мойдони

115. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари.

Кредит, молиялаш, имтиёзлар, кредит фоизи, бизнес режа, банк, шартнома, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар, мақсадли кредитлар

116. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти.

Интеграция, агросаноат интеграцияси, агросаноат мажмуаси, иқтисодий конунлар

117. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари.

Меҳнат, меҳнат унумдорлиги, аҳоли таркиби, бандлилик, ишсизлик, самарадорлик, маҳсулот яратиш қобилияти, фан-техника тараққиёти, химиялаштириш, автоматлаштириш, моддий рағбатлантириш, корхона фалсафаси

118. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари.

қишлоқ хўжалиги, мавсумийлик, натижалар, самарадорлик, биологик қонунлар, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, чегараланганлик, табиий омиллар

119. Агросаноат мажмуасини ривожланишининг асосий йўналишлари.

Маҳсулот миқдори, ассортимент, сифат, самарадорлик, ўзаро мутаносиблик, ижтимоий масалалар, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи

120. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг аҳамити ва иқтисодийдаги ўрни.

3-соҳа, тайёрлов корхоналари, қайта ишлаш, нобудгарчилик, сифат, шартнома, савдо, бозор, биржалар, талаб, таклиф

121. Ўзбекистон Республикаси Дехқон хўжаликлари, иқтисодийдаги ўрни ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари.

Дехқон хўжаликлари, меҳнатни ташкил этиш шакли, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли, хўжалик фаолияти, бошқариш, ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик юритиш фаолияти, самарадорлик

122. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Инфратузилма, ижтимоий инфратузилма, таълим, маданий-маиший хизматлар, спорт, дам олиш жойлари, соғлиқни тиклаш муассасалари

123. Меҳнат унумдорлиги тушунчаси, моҳияти ва уни ҳисоблаш усуллари.

Меҳнат, меҳнат унумдорлиги, аҳоли таркиби, бандлилик, ишсизлик, самарадорлик, маҳсулот яратиш қобилияти, фан-техника тараққиёти, химиялаштириш, автоматлаштириш, моддий рағбатлантириш, корхона фалсафаси

124. Қишлоқ хўжалиги маркетингининг стратегиясини тузиш.

Маркетинг, стратегия, бозор, талаб, таклиф, имкониятлар чекланганлиги, сигментлар, маркетинг, самара, рақобат, режа

125. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби ва уни ривожлантириш йўналишлари.

Саноат, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, тракторсозлик, комбайн, самарадорлик, интеграция, кооперация

126. Қишлоқ хўжалиги ер фондларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари.

Ер фонди, унумдорлик, самарадорлик, ҳосилдорлик, ялпи маҳсулот, фойда, шарт ер мойдони

127. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини кредитлаш усуллари, шакллари ва уларнинг манбалари.

Кредит, молиялаш, имтиёзлар, кредит фоизи, бизнес режа, банк, шартнома, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар, мақсадли кредитлар

128. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуаси тушунчаси, унинг моҳияти.

Интеграция, агросаноат интеграцияси, агросаноат мажмуаси, иқтисодий қонунлар

129. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби, аҳамияти ва иқтисодийдаги ўрни.

Саноат, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, тракторсозлик, комбайн, самарадорлик, интеграция, кооперация

130. Агросаноат мажмуаси меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари.

Меҳнат, меҳнат унумдорлиги, аҳоли таркиби, бандлилик, ишсизлик, самарадорлик, маҳсулот яратиш қобилияти, фан-техника тараққиёти, химиялаштириш, автоматлаштириш, моддий рағбатлантириш, корхона фалсафаси

131. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодийда тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари.

Ялпи ички маҳсулот, қаттиқ ваоюта запаслари, меҳнат ресурслари, асосий активлар, мавсумийлик, биологик қонунлар, самарадорлик

132. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг таркиби, аҳамияти ва иқтисодийдаги ўрни.

Саноат, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, тракторсозлик, комбайн, самарадорлик, интеграция, кооперация

133. Агросаноат мажмуаси меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари.

Меҳнат, меҳнат унумдорлиги, аҳоли таркиби, бандлилик, ишсизлик, самарадорлик, маҳсулот яратиш қобилияти, фан-техника тараққиёти, химиялаштириш, автоматлаштириш, моддий рағбатлантириш, корхона фалсафаси

134. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодийда тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари.

Ялпи ички маҳсулот, қаттиқ ваоюта запаслари, меҳнат ресурслари, асосий активлар, мавсумийлик, биологик қонунлар, самарадорлик

135. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари, уларнинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни ва ташкилий – иқтисодий асослари.

Меҳнатни ташкил этиш шакллари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари, Фермер, Фермер хўжалиги, ялпи маҳсулот, меҳнат ресурслари

136. Ердан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини ошириш йўллари.

Ер фонди, ер структураси, ер трансформацияси, унумдорлик, самарадорлик, уруғчилик, наслчилик, моддий манфаатдорлик, эгаллик ҳисси

137. Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг таркиби, аҳамияти ва иқтисодийни ривожлантиришдаги ўрни.

Инфратузилма, ижтимоий инфратузилма, таълим, маданий-маиший хизматлар, спорт, дам олиш жойлари, соғлиқни тиклаш муассасалари

138. Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари.

Асосий воситалар, асосий фондлар, фондсиғими, фондқайтими, асосий фондлар таркиби, самарадорлик, жисмоний ва маънавий эскириш

139. Ўзбекистон Республикасининг аграр сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари.

Иқтисодий сиёсат, ислохотлар, аграр сиёсат, эркинлаштириш, устиворлик

140. Европа ҳамжамияти ягона аграр сиёсатининг зарурати ва аҳамияти.

Рақобат, озик-овқат ҳавфсизлиги, манфаатлар бирлиги, аҳоли турмуш даражаси, Маршал, Шерри, Мансхолд режалари

141. Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифалари, уларни амалга ошириш шакллари ва усуллари.

Молиялаштириш, кредитлар, имтиёзлар, солиқ, божхона тўловлари, лизинг, ижара, давлат буюртмалари

142. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишлари.

Интенсивлаштириш, экстенсив ривожланиш йўли, химиялаштириш, механизациялаштириш, автоматлаштириш

143. Нарх тушунчаси, унинг моҳияти ва функциялари.

қиймат, қўшилган қиймат, нафлилик, баҳо, нарх, талаб ва таклиф, ҳисобга олиш, рағбатлантириш, муомила ва тўлов, тартибга солиш

144. Фермер хўжаликлари, уларнинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни ва ташкилий-иқтисодий асослари.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли, меҳнатни ташкил этиш шакли, ширкатлар, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, давлат хўжаликлари, хусусий фермалар, пай, дивидент

145. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари тушунчаси унинг таркиби.

Меҳнат, меҳнат ресурслари, меҳнат баланси, бандлик, ишсизлик, асосий меҳнат ресурслари, ёрдамчи меҳнат ресурслари, шартли меҳнат ресурслари

146. Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари.

3-соҳа, тайёрлов корхоналари, қайта ишлаш, нобудгарчилик, сифат, шартнома, савдо, бозор, биржалар, талаб, таклиф

147. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш тартиби.

Ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот ва хизматлар таннархи, калькуляция

148. Қишлоқ хўжалигида ер фондининг таркиби, аҳамияти ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўзига хос хусусиятлари.

Ер фонди, ер унумдорлиги, ер трансформацияси, ер фонди таркиби, шартли ер майдони, чекланганлик

149. Қишлоқ хўжалигининг интенсивлаштириш даражаси ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Экстенсив ривожланиш йўли, интенсив ривожланиш йўли, самарадорлик, ихтисослаштириш

150. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш йўналишлари.

Саноат, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, кимёвий воситалар ишлаб чиқариш, кичик техника

IX-ҚИСМ

Глоссарий (асосий иборалар мазмуни)

Аграр (лотинча *agrarius*) - 1) ерга, ердан фойдаланишга, унга эгалик қилишга оид (масалан агар танглик, аграр ислоҳот); 2) саноатга нисбатан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосий ўринда туришини ифодаловчи сўз (масалан аграр мамлакат ва ҳ.к.).

Аграр ислоҳотлар – қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар. Давлатнинг ерга бўлган мулкчилик муносабатлари ва ерда хўжалик юритиш усуллари ўзлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. Дастлаб аграр ислоҳотлар концепцияси мақсад ва вазифалари, йўналиши, уни ўтказиш босқичлари аниқлаб олинади. Шунга асосланиб аграр ислоҳотларни ўтказишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланади ва уларни давлат амалга оширади.

Аграр сиёсат – аграр муносабатлар масаласида давлатнинг фаолияти. Унинг ёрдамида ер, асосий воситаларга бўлган мулкчилик, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларининг асосий йўналишлари белгиланади. Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга қаратилган фаолит олиб борилади. Қишлоқ аҳолисининг масалаларини ҳал этишнинг бош йўналишлари белгиланади. Ҳар бир давлат ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакат имкониятларини ҳисобга олиб аграр сиёсатини олиб боради. Аграр сиёсат маълум даврларда ўша даврнинг шароитларини ҳисобга олиб ўзгариб, ўз замонасига мослаштирилиб борилади.

Аграр масала – қишлоқ хўжалигида ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш, хўжалик юритиш усуллари юзасидан пайдо бўлган ва ҳар бир даврда ўз ечимини талаб қилувчи масала.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида, ўзаро технологик ва хўжалик алоқалар билан боғланган иқтисодийнинг тармоқлари ва хизматлари йиғиндисидан иборат, ягона мақсад йўлида ишлайдиган мажмуадир. Агросаноат мажмуаси мураккаб таркибга эга. Унга агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқлага ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган йирик саноат корхоналари (қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати, омукта ем ишлаб чиқариш саноати, менерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи заводлар, кимёвий воситалар ва қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи корхоналар), қишлоқ хўжалигининг ўзи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлайдиган корхона ва ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларин қайта ишловчи корхоналар, уларни сақлайдиган, ташийдиган ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берадиган улгуржи ва чакани савдо ташкилотлари киради. Бундан ташқари агросаноат мажмуаси мўътадил ишлашини таъминлайдиган кўп таркибли хизмат кўрсатиш инфратузилмасига ҳам эгадир. Агросаноат мажмуаси агросаноат интеграциясининг маҳсули сифатида шаклланади.

Агросаноат интеграцияси – саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий муносабатларнинг чуқурлашиши асосида бир бутун тизимга айланиши. Унинг асосини иқтисодий, фан ва техника, технология ва бошқа хўжалик имкониятларини бирлаштириш орқали ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг умумлаштирилиши ташкил этади. Агросаноат интеграциясининг ривожланиши қишлоқ хўжалигига саноатнинг кириб келишини, қишлоқнинг иқтисодий ва ижтимоий масалаларини оптимал етиш имкониятини кучайтиради.

Агротехнология – дехқончилик технологияси, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш усуллари тизими. Агротехнологиянинг назарий асоси агрономия ҳисобланади. Агротехнология куйидаги тадбирларни ўз ичига олади: тупроққа ишлов бериш; алмашлаб экиш; ўғитлар солиш; уруғликни экишга

тайёрлаш; экиш; экинларни парваришлаш; бегона ўтлар, касалликлар ва хашаротларга қарши кураш; ҳосилни йиғиб олиш. Бу тадбирларнинг ҳар бири ўз навбатида агротехнология усуллари йиғиндисидан иборат. Масалан, ерни ҳайдаш, текислаш, бороналаш ва экишга тайёрлаш усуллари тупрокқа ишлов бериш технологиясининг асосини ташкил этади.

Агросаноат мажмуаси – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, уларни сақлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга этказиб бериш билан шуғулланувчи тармоқлар ва мажмуа тармоқларига хизмат кўрсатувчи соҳалар йиғиндисидир. Агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма ҳам киради. Агросаноат мажмуаси тармоқлари 4 та соҳага бўлинади. Агросаноат мажмуаси биринчи соҳасига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар, иккинчи соҳасига қишлоқ хўжалиги, учинчи соҳасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёровчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга этказиб берувчи тармоқлар, тўртинчи соҳасига инфратузилма киради. Инфратузилма ўзи икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга, ишлаб чиқариш инфратузилмаси иккинчи гуруҳга эса ижтимоий инфратузилма киради.

Айланма воситалар (маблағлар) - корхона (хўжаликнинг) хўжалик фаолиятини молиялаштириш учун фойдалананиладиган пул маблағлари; айланма воситалар айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларидан ташкил топади.

Айланма капитал – капитал (ишлаб чиқариш фондлари) нинг ҳар бир ишлаб чиқариш циклида сарф этиладиган ва қиймати ишлаб чиқарилган товарга тўлиқ ўтадиган қисми.

Айланма маблағлар – ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотни сотиш мақсадида зарур айланма фондларни ва муомала фонддини ташкил этиш учун аванслаштирилган пул маблағлари йиғиндисидир.

Актив (лотинча **aktivus**- фаол, таъсирчан, ишчан) – 1)бухгалтерия балансининг чап қисми, корхонанинг муайян санада ва пул ифодасида барча воситаларини, уларнинг таркиби ва жойлашувини (асосий фондлар, айланма воситалар, пул маблағлари, капитал сарфлар, қарздорлик талабномалари ва б.) акс этади; 2) корхона ёки ташкилотнинг мулки ёки ресурслари (бино, машина, нақд пул, қимматбаҳо қоғозлар ва б.). Пулга тез сотилиши (айланиши) мумкин бўлган, бозори чаққон актив (векселлар, қимматбаҳо қоғозлар, олтин, нақд пул, ва б.) ликвид активлар дейилади.

Ассоциация (лотинча **associo** – бирлашиш, қўшиш, уюшиш) – умумий мақсадга эришиш учун тузилган уюшма, иттифок, гуруҳ.

Ассортимент (французча **assortiment** – танлаб олинган, сараланган) – муайян белгиларига кўра гуруҳланган товарлар турлари, хиллари тўплами.

Асосий воситалар – ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларини таъминлайдиган воситалар (меҳнат қуролилари, бино, иншоат, қурилма ва б.). Бухгалтерия ҳисоби ва режалаштиришда асосий воситалар таркибига бир йилдан ортиқ ва қиймати энг кам иш ҳақининг 15 баробаридан арзон бўлмаган воситалар киритилади.

Асосий капитал – капиталнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари (машина, асбоб-ускуна ишлаб чиқариш бинолари ва ускуналарини) ўз ичига олувчи, иқтисодий жиҳатдан ўз қийматини ишлаб чиқарилган товарларга аста-секин ва узок муддатда ўтказиб борувчи қисми.

Асосий фаолиятдан олинган фойда - бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс, асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида

аниқланади.

Алмашлаб экиш - экинларнинг йиллар давомида маълум далаларда режали тартибда навбати билан алмашиб турилиши.

Аукцион – товар ва маҳсулотларни ким ошди савдосида эркин сотиш жойи.

Бевосита харажатлар - битта маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ, миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатан ўзгарувчан харажатлар.

Билвосита харажатлар - ёрдамчи ишчиларга вақтбай иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларини сақлаш, жорий ва капитал ремонт қилиш ва маҳсулот ҳажмининг ўзгаришидан қатъи назар нисбатан доимий бўлиб қоладиган бошқа харажатлар сингари ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш аҳамиятидаги харажатлар.

Бизнес – соҳибкорлик – тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан шуғулланиш.

Бўлинмас фонд - қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) устав фонди қийматининг бир қисми бўлиб, у ширкат хўжалиги тасарруфида қолади ва пайчи аъзолар ўртасида тақсимланмайди.

Базис давр – иқтисодиётда жорий (хисобот) даври маълумотлари (кўрсаткичлари) ни қиёслаш учун қабул қилинган бирор вақт (ой, квартал, йил ва х.к.) ёки сана.

Базис нарх - 1) режали иқтисодиётда доимий деб қабул қилинган ва халқ хўжалиги кўрсаткичлари (масалан, миллий даромад ҳажми, саноат, қишлоқ хўжалиги, ялпи маҳсулоти ва б.) даги ўзгаришларни индексларни ҳисоблашда асос қилиб олинган нарх. 2) сифат кўрсаткичлари аниқ бўлган товарнинг контракт ёки прејскурант нархи.

Баланс (лотинча **balanx**) – бирон-бир фаолиятнинг бир-бирини мувозанатлаши лозим бўлган томонлари (масалан, даромадлар ва харажатлар) ўртасидаги нисбатларнинг миқдорий ифодаси. Иқтисодиётда бухгалтерия баланси, ижтимоий маҳсулот баланси, савдо баланси, меҳнат ресурслари баланси, даромад ва харажатлар баланси, тўлов баланси ва бошқа баланслар мавжуд.

Бандлик – аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатга лаёқотли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларни шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунларга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

Банк кредити – банкларнинг мижозларга вақтинчалик фойдаланиш учун капитал бериши. Банклар қайтаришлик, банк фоизи тўлови ва муддатлилик шартларида ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлари беради. Турли ссудалар (савдо-сотик, кўчмас мулкни гаровга оилш, асосий капитални кенгайтириш ва бошқалар), векселлар ҳисоби каби шакллари бор.

Банк фоиз ставкаси - банки ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори; қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ундирилади. Унинг миқдори кредит тури, муддати ва қарзнинг вақтида қайтарилишига боғлиқ. Тижорат ва давлат банклари Марказий (миллий) Банк бошчилигида кредитлар учун белгилайдиган банк фоиз ставкаси қарзнинг қайси тарзда ва қандай берилишига ҳам боғлиқ. Узоқ муддатли қарзнинг банк фоиз ставкаси паст, қисқа муддатлисиники юқори бўлади.

Бозор - сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги товар айрибошлаш муносабатлари; ишлаб чиқариш билан истеъмолни ўзаро боғловчи механизм. Бозор объекти нафлиги бор товар ва хизматлар. Бозор иштирокчилари (сотувчи ва харидорлар) бўлиб улар фирмалар, уй хўжаликлари, давлатнинг ташкилот, идоралари ва бошқалардан иборат.

Бозор инфратузилмаси – бозорда товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлайдиган муассасалар, ташкилотлар мажмуи. Бозор инфраструктурасининг асосий унсурлар қуйидагилар: биржалар (товар, хом ашё, фонд, валюта) ва уларнинг ташкилий расмийлаштирилган воситачилиги; кимошди савдолари, ярмаркалар ва биржадан ташқари ташкилий воситачилик шакллари; кредит тизими ва тижорат банклари, эмиссия тизими ва эмиссия банклари; аҳоли бандлигини бошқариш тизими; давлат ва нодавлат бандликка ёрдам кўрсатиш марказлари (мехнат биржалари); ахборот технологиялари ва ишбилармонлик алоқалари воситалари; солиқ тизими ва солиқ инспекциялари; тижорат-хўжалик хатари суғуртаси тизими ва суғурта компаниялари; махсус реклама агентликлари, ахборот марказлари ва оммавий ахборот воситалари агентликлари; савдо палаталари, божхона тизими; ўрта ва олий иқтисодий таълим тизими; аудиторлик ва консалтинг компаниялари; ва ҳ.к.

Бозор конъюктураси – муайян даврдаги бозор ҳолати; бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан ҳарактерланади. Шунга кўра бозор конъюктураси ижобий ва салбий, қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин.

Биржа – маҳсулотларни сотиш тизимларидан бири. Талаб ва таклифга қараб маҳсулотлар нархи биржада мувозанатлашиб туради.

Вексель (немисча **Wechsel** - айирбошлаш) – кўрсатилган муддатда муайян миқдордаги пулни тўлаш мажбурияти қайд этилган қарздорлик ҳақидаги расмий ҳужжат; қимматли қоғоз.

Даромадлар - ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши.

Давлат буюртмалари – давлат томонидан муайян маҳсулот турини (ҳозирги кунда пахта ва ғаллани) етказиб бериш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартнома-топширик.

Дивиденд — соф фойданинг солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганидан кейин ширкат хўжалиги (акциядорлар жамияти) ихтиёрида қоладиган ва аъзолар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган қисми.

Дехқон хўжалиги - оилавий майда товар хўжалиги, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилади ва реализация қилади.

Дехқончилик тизими - деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун ердан тўла фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган ташкилий-агротехник тадбирлар йиғиндиси.

Давлат буюртмаси - давлат талаби билан (шартнома ёки келишув асосида) корхона, ташкилот, хўжаликларга муайян маҳсулот турини белгиланган муддатларда ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, давлат эҳтиёжлари учун тегишли хизматлар кўрсатиш, шунингдек ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва илмий техникавий ишларини бажариш ва бошқалар.

Давлат бюджети – давлатнинг муайян вақт (одатда бир йил) учун мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлари мажмуи.

Даромад – кенг маънода қирим бўлган ҳар қандай пул маблағлари ёки пул қийматига эга бўлган моддий бойликларни олиш, иқтисодий субъект ўз фаолияти натижасига кўра оладиган пул ва товар – моддий тушум.

Дехқончилик – ўсимлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун маданий ўсимликлар (қишлоқ хўжалик экинлари)ни етиштириш; қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири.

Дехқончилик тизими – ердан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, экинлардан юқори ҳосил олишга қаратилган,

ўзаро бир-бирига боғлиқ технологик (агротехник), мелиоратив ва ташкилий иктисодий тадбирлар мажмуи.

Дотация (лотинча **dotaio** – тухфа) – 1) маълум харажатларни коплаш учун иктисодиётнинг бир субъекти томонидан иккинчисига қайтариб бермаслик шарти билан пул маблағлари берилиши. Дотация одатда давлат бюджети томонидан берилади. 2) муайян фуқаро ва ташкилотларга кўрилган зарарни коплаш ёки белгиланган мақсадлар учун давлат томонидан пул маблағларнинг ажратилиши (берилиши).

Ер мониторинги – бу ернинг ҳолатини доимий назорат қилиб туриш тизимидир.

Ер трансформацияси – кишлок хўжалигида ерларнинг бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтиши. Одатда ер трансформациясининг икки тури мавжуд. Биринчиси ижобий ер трансформацияси – нисбатан ёмон ерларнинг яхши ерлар сафига ўтиши. Иккинчиси салбий ер трансформацияси – яхши ерларнинг ёмон ерлар сафига ўтиши.

Йилнинг соф фойдаси - у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган қисми.

Ихтисослаштириш – мавжуд табиий-иклимий шарт-шароитлар ва бошқа омиллар таъсирида у ёки бу маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга мослашув.

Инвестиция – бу фойда олиш мақсадида молиявий ресурсларни (капитални) иктисодиётнинг тармоқларига узок муддатга қўйишдир.

Кичик бизнес – манфаат (фойда) олиш мақсадида ишлаб чиқаришни, асосан хусусий тадбиркорликни кичик миқдорда ва шаклларда, ташкил этиш. У ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдонинг маълум шакл ва турларида ривожланади. Хусусий тадбиркор ўз фаолиятини маълум хатар (рақобат таваккалчилиги) асосида юритади.

Мотивация (сабабни асослаш) – реал меҳнат ҳулқини тушунтириш, асослаб бериш учун сабаблар (мулоҳазалар) танлашга қаратилган оғзаки хати-харакатдир.

Меҳнат бозори – ишчи кучларининг меҳнатга бўлган қобилиятини сотиш ва сотиб олиш тизими. Меҳнат бозорининг учта субъекти мавжуд. Буларга: ўз ишчи кучини сотувчилар, иш берувчилар ва давлат киради.

Меҳнат ресурслари – аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига (жисмоний ва ақлий фаолиятга) эга бўлган қисми.

Меҳнат унумдорлиги – Конкрет сарфланган меҳнатнинг самарадорлиги, натижавийлигидир. Меҳнат унумдорлиги вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан ўлчанади.

Молиявий натижалар - хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иктисодий якуни.

Молиявий лизинг – амалда узок муддатли кредитлаштиришнинг ўзига хос шакли ҳисобланиб, мулк узок муддатга, одатда, тўлиқ амортизация муддатига ёки унинг катта қисмига ижара шартномаси тузилади. Молиявий лизингда ижара шартномаси тугагач, лизинг объекти лизинг олувчи томонидан сотиб олинishi ёки янги лизинг шартномаси объекти бўлиши мумкин.

Маҳсулот таннархи - маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш, сотиш учун қилинган харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда. Бу сотишдан олинган соф тушумдан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини олиш билан аникланади;

Моддий-техника базаси - тармоқларда ишлаб чиқаришни амалга ошириш жараёнида ишлатилаётган асосий воситалар, айланма маблағлар биргаликда уларнинг моддий-техника базаси деб юритилади.

Оператив лизинг – мулкни унинг хизмат муддатида кам даврга ижарага беришни назарда тутади. Ижара муддати тугагач, мулк эгасига қайтарилади ёки янги лизинг шартномаси объекти бўлиб қолади.

Пайчилик муносабатлари – шерикчилик асосида бизнес юритишга ҳисса қўшиш ва шу ҳиссага қараб даромад қўриш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар.

Пай фонди - ширкат хўжалиги уставига мувофиқ ширкат хўжалиги аъзоларининг қийматда ифодаланган мулккий пайлари, ҳар бир аъзонинг ширкат хўжалиги пай фондидаги улуши.

Рентабеллик – тармоқ ёки корхонанинг фойда олиб ишлаши, активлар, сотилган маҳсулот ёки ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан фойдалилик даражасини кўрсатади.

Солиқ тўлагунгача олинган фойда - у умум хўжалик фаолиятдан олинган фойда, плюс фавқулудда (қўзда тутилмаган) вазиятлардан қўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади.

Тармоқ - қўлланилаётган воситалар, ишлаб чиқариш технологияси, ташкил қилиш хусусияти ҳамда маҳсулотлардан фойдаланиш тартибига кўра бир-биридан фарқ қиладиган ишлаб чиқаришнинг бир қисми.

Таъриф иш ҳақи фонди - ишлаб чиқариш технологиясига кўра бажариладиган ишнинг ҳажми, меъёри ва разряди ставкасига кўра аниқландиган иш ҳақи фонди.

Таъриф жадвали – меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари, таъриф коэффицентлари ва ставкаларини ичига олган жадвал.

Тупроқ унумдорлиги – тупроқнинг маҳсулот бериш қобилияти. Унумдорликнинг табиий, сунъий ва иқтисодий турлари мавжуд. Тупроқнинг табиий унумдорлиги – инсон аралашмасдан ҳосил бериш қобилияти. Бу унумдорлик инсоннинг меҳнати билан вужудга келмаган. Уни табиат яратган. Сунъий унумдорлик – инсон меҳнатининг маҳсули. Иқтисодий унумдорлик тупроқнинг табиий ва сунъий унумдорлигининг йиғиндисидир.

Устав фонди - корхоналар фаолиятини таъминлаш учун таъсисчилар томонидан дастлаб киритиладиган ва кейинчалик қўпайтириб бориш мумкин бўлган, ҳажми корхонанинг уставига белгилаб қўйиладиган маблағ. Ширкат хўжаликларида пай фонди ва бўлинмас фонддан иборат бўлади.

Харажатлар - ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг қўпайиши.

Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) – товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун пай усулга ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига, бошқаришнинг умумийлигига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Қўшимча иш ҳақи – қўшимча меҳнат сарф қилиш, иш жараёнларини такомиллаштириш орқали қўшимча етиштирилган маҳсулот ёки юқори сифатли маҳсулот ҳамда шу маҳсулотларни етиштириш учун харажатларни тежаш эвазига тўланадиган иш ҳақи.

Чорвачилик тизими - чорва моллари сонини ўстириш ва сифатини яхшилаш, маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларни камайтириш, умуман, чорва моллари ва чорвачилик воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш орқали уни энг самарали тармоққа айлантиришни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий, технологик ва техникавий тадбирлар йиғиндиси.

Фавқулудда даромад (зарар) - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятдан аниқ фарқ қиладиган, яъни тез-тез ёки мунтазам содир бўлмайдиган воқеалар ёки битимлар натижасида юз берган даромадлар ёки харажатлар.

Фермер хўжалиги - ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, аъзоларининг биргалиқдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъекти.

Фюъчерс шартномаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмасдан олдин сотиш билан боғлиқ шартнома.

Хўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар) - бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси, плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида аниқланади;

Шўъба корхона - ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот.

Ҳосилдорлик – бир бирлик экин майдони (гектар, сотих ва бошқа) ҳисобига етиштирилган ҳосилнинг физик миқдори.

Ялпи фойда – ишлаб чиқарувчилар (хизмат кўрсатувчилар) ихтиёрида қоладиган қўшимча қийматнинг бир қисми (иш хақи ва солиқлар тўланишидан қолган қисми).

Ялпи маҳсулот – бир йил ичида бирор тармоқда жами ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган иш ва хизматларнинг пулда ифодаланиши.

Х-ҚИСМ

“Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанидан рейтинг тизими асосида талабалар билимини баҳолаш

Асосий қоидалар

“Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани бўйича тайёрланган мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги 276–сонли буйруғи билан амалга киритилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”, 2005 йил 21 февралдаги 34–сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Намунавий низом”, 2010 йил __ августдаги __-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани бўйича Намунавий дастур ҳамда ТДИУ “Иқтисодиёт” факультети Илмий Кенгашининг 2009 йил 29 августдаги 1-баённомаси билан тасдиқланган “Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани бўйича Ишчи ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур услубий кўрсатмадан бакалаврият босқичи “Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)” йўналиши 4 курс талабаларининг “Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанидан билимини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиш тавсия этилади. У талабаларга мазкур фанни ўзлаштиришда зарурий балларни тўплаш ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Йўналиш ишчи ўқув режасида фанга ажратилган умумий ўқув юктамаси 180 соат, шу жумладан маъруза машғулотлари 64 соат, амалий машғулотлар 42 соат, мустақил иш 74 соат ҳажмида режалаштирилган.

I. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

“Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

1) жорий назорат (ЖН) – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат мазкур фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда қуйидагича амалга оширилади:

- мавзулар бўйича олинган билимларни оғзаки сўраш;
- конспектларни текшириш;
- талаба фаоллигини баҳолаш;
- тестлар олиш;
- уй вазифаларининг бажарилганлигини текшириш;
- кейс-стади ечиш ва бошқа шу кабилар.

2) оралик назорат (ОН) – университет ўқув жараёни графигига биноан ўтказилувчи, мазкур фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган назорат шакли ҳисобланади. “Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти” фани бўйича оралик назоратлар 2009-2010 ўқув йилининг 2-семестридаги 32 ва 41 ҳафталарда ўтказилади. Ушбу фан бўйича ОН 2 мартда ўтказилиши режалаштирилган:

- 1-ОН ёзма иш шаклида 3 та топшириқдан иборат бўлади
- 2-ОН ёзма иш шаклида 3 та топшириқдан иборат бўлади.

Оралик назорат саволлари ҳар бир янги ўқув йили бошида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тузилиб, кафедра мажлисида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Тасдиқланган оралик назорат саволлари олдиндан талабаларга тарқатилади. Жумладан, « Аграсаноат мажмуаси иқтисодиёти »

фанидан оралиқ назорат саволлари “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасининг 2009 йил 29 августдаги 1-мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

3) яқуний назорат (ЯН) – семестр якунида муайян фан бўйича назарий ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Мазкур фан бўйича яқуний назорат семестр охиридаги икки ҳафта давомида Ўқув –услугий бошқарма томонидан тузилган график асосида фанга ажратилган соатлар ва аудиторияда ёзма иш шаклида ўтказилади.

II. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

“Агрисаноат мажмуси иқтисодиёти” фани бўйича талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакалари назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида балларда ифодаланади.

Талаба мазкур фан бўйича йиғиши мумкин бўлган максимал балл – 100 балл бўлиб, у қуйидагича тақсимот қилинади:

- жорий назорат – 45 балл;
- оралиқ назорат – 40 балл;
- яқуний назорат – 15 балл.

Фан бўйича жорий, оралиқ ва яқуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган балнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади. Ҳар бир назорат туридаги саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор талаба ҳисобланади.

Жорий назоратдаги баллар тақсимоти

(ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

№	Мезонларнинг номланиши	Ҳар бир топширик учун	Максимал йиғиш мумкин бўлган балл
1	Талаба фаоллиги (мавзулар бўйича оғзаки жавоб бериш, мавзулар бўйича тақдимот тайёрлаш)	ҳар бир жавоб 0,5 балл ҳар бир тақдимот учун 2 балл	10 балл 4 балл
2	Мавзу бўйича тўлиқ конспект ёзиш	Семестр давомида конспектни ёзиб боргани учун 3 балл	3 балл
3	Тестларни ечиш	ҳар бир тўғри ечилган тест учун 0,2 балл	8 балл
4	Уй вазифаларини бажариш (ўқув топшириқлар, масалалар, назорат саволлари)	ҳар бир тўғри бажарилган уй вазифа учун 1 балл	10 балл
5	Кейс ечиш	ҳар бир тўғри ечилган муаммоли масала учун 1 балл	10 балл

Жорий назоратда талабалар ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидагича тақсимланади:

- а) **39 – 45 баллгача** жорий ўзлаштириш “аъло” баҳоланади
- б) **32 – 38 баллгача** жорий ўзлаштириш “яхши” баҳоланади
- в) **25 – 31 баллгача** жорий ўзлаштириш “қоникарли” баҳоланади
- г) **0 – 25 балл** бўлганда талаба мазкур назорат тури бўйича етарли балл йиғмаган деб ҳулоса қилиниб, ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Оралиқ назоратда баллар тақсимоти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

- 1- **ОН** ёзма иш шаклида 3 та топшириқдан иборат бўлади.
- 2- **ОН** ёзма иш шаклида 3 та топшириқдан иборат бўлади.

Оралиқ назорат турлари	Ўтказиш муддати	Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
Биринчи оралиқ назорат (1-ОН)	2010 йил ўқув жадвал графиги асосида	11 – 13 балл (56-70 фоиз)	- назарий саволга жавоб бериш (2 балл); - ўқув топшириқ ёки масала ечиш (6 балдан 7 балгача); - 9-11 та тестни тўғри ечиш (3 балдан 4 балгача)
		14 – 16 балл (71-85 фоиз)	- назарий саволга жавоб бериш (3 балл); - ўқув топшириқ ёки масала ечиш (7 балдан 9 балгача); - 12-13 та тестни тўғри ечиш (4 балл)
		17 – 20 балл (86-100 фоиз)	- назарий саволга жавоб бериш (4 балл); - ўқув топшириқ ёки масала ечиш (9 балдан 10 балгача); - 14-15 та тестларни тўғри ечиш (5 балдан 6 балгача)
Иккинчи оралиқ назорат (2-ОН)	2010 йил ўқув жадвал графиги асосида	11 – 13 балл	- назарий саволга жавоб бериш (2 балл); - ўқув топшириқ ёки масала ечиш (6 балдан 7 балгача); - 9-11 та тестни тўғри ечиш (3 балдан 4 балгача)
		14 – 16 балл	- назарий саволга жавоб бериш (3 балл); - ўқув топшириқ ёки масала ечиш (7 балдан 9 балгача); - 12-13 та тестни тўғри ечиш (4 балл)
		17 – 20 балл	- назарий саволга жавоб бериш (4 балл); - ўқув топшириқ ёки масала ечиш (9 балдан 10 балгача); - 14-15 та тестларни тўғри ечиш (5 балдан 6 балгача)

Ҳар бир ОН бўйича 0 – 11 балл тўплаган талаба мазкур назорат тури бўйича етарли балл йиғмаган деб хулоса қилиниб, умумий 22 балдан кам бўлганда ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Яқуний назоратда баллар тақсмоти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича):

ЖН ва ОНга ажратилган умумий баллдан саралаш балини тўплаган талабага яқуний назоратда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. Яқуний назоратдаги вариантлар ҳар бир талабага такрорланмайдиган, алоҳида тузилиб, ҳар бири 5 та топшириқдан иборат бўлади.

Яқуний назоратдаги ёзма ишларни баҳолаш мезонлари ҳар бир топшириққа максимум 3 баллдан белгиланади.

Якуний назорат	Ўтказиш муддати	Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
	2011 йил Ўқув жадвал графиги асосида	14 – 15 балл	Талаба 5 та топшириқни бажариши керак (5 та топшириқни иккитаси назарий савол, битта масала, битта ўқув топшириқ ва тест).
		12 – 13 балл	Талаба 4 та топшириқни тўлиқ бажарган 5- топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.
		9 – 11 балл	Талаба 3 топшириқни тўлиқ 4- топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.
		0 – 8 балл	Талаба 3 тадан кам топшириқни бажарган бўлиб, ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Ёзма ишларни профессор-ўқитувчилар икки кун давомида текшириб, баҳоларни эълон қилиши ва тегишли ҳужжатларда қайд этиши лозим.

“Аграсаноат мажмуси иқтисодиёти” фани бўйича мустақил ишлар жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида қуйидаги топшириқларни бажариши орқали назорат қилинади ва баҳоланади (талаба топшириқлардан бирини бажараш мумкин):

- Президент И.А.Каримов асарларини мустақил ўрганиш, конспектлаштириш – 10 балл;
- Аграсаноат мажмуаси тармоқлари фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни конспектлаштириш – 10 балл;
- фаннинг ихтиёрий мавзуси бўйича энг сўнгги интернет маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва тақдимотини амалга ошириш– 10 балл.

Талаба ЖН ва ОНлардан бирор тури бўйича ўз вақтида узрли сабабларга кўра балл тўплай олмаса, қайта ўзлаштириш учун кейинги шу назорат туригача бўлган муддат берилади.

Академик қарздор талабаларга қайта ўзлаштириши учун семестр тугагандан кейин икки ҳафта муҳлат берилади. Кафедранинг тегишли профессор-ўқитувчиларига қарздор талабалар билан ишлаш вазифаси юклатилиб, у махсус жадвал асосида амалга оширилади.